



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgzt.uz

www.adolatgzt.uz

www.adolat.uz

№ 28 (1092)

2016-yil, 8-iyul, juma

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон хайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига хоржий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равиқ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Америка Қўшма Штатлари Президенти

Барак Обама;

Икки муқаддас масжид ходими,

Саудия Арабистони Подшоҳи

Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди, Вазирлар

Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ички ишлар вазири

Муҳаммад бин Нойиф бин Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди ўринбосари,

Вазирлар Маҳкамаси раисининг иккинчи ўринбосари,

мудосаа вазири

Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Ўмон Султони

Қобус бин Саид;

Миср Араб Республикаси Президенти

Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Ас-Сиси;

Озарбайжон Республикаси Президенти

Илҳом Алиев;

Эрон Ислам Республикаси Президенти

Хасан Рухоний ўз табрикларини йўлаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

ЭРТАСИ

бугунгидан ҳам мунаввар бўлади

Ватан. Бу қутлуғ сўз замирига жо бўлган моҳиятни тўлалигича тушуниш, англаб етиш учун инсоннинг маънавий камолоти жуда юксак даражада бўлмоғи лозим. Она юртда, тинч-тотувликда отган ҳар бир тонгнинг ўзи саодат, эмин-эркинликда ўзинг хоҳлаган орзуларинг рўёбини кўришингга катта ишонч билан меҳнат қилиш эса бахт.

Обод ва озод юртда, тинч-осойишталикда, бугундан миннатдор, эртадан кўнгли тўқ яшаб хар бир инсоннинг ҳаётдаги орзу-истаги саналади. Шукрим, истиқлол халқимизнинг ана шу орзуларига қанот берди.

Тинчлик аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрига етиш, уни асраш, шу юртда яшайётган барча фуқароларнинг энг муқаддас бурчи саналади. Зеро, барча орзу-умидларимизнинг рўёби бевосита ана шу осойишталик билан боғлиқ. Шундай экан, ўзи ва Ватани тақдирини бефарқ бўлмаган инсон борки, осойишталикни асраш учун курашмоғи лозим.

Бу кураш биз бугун эзгу мақсадда амалга ошираётган ва одамларимиз онгу тафаккуридаги ўзгаришларга сабаб бўлаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан ҳам бевосита боғлиқ.

2>

ЯРАТУВЧИЛИК, БУНЁДКОРЛИК ҚУДРАТИ

шаҳримизнинг гўзал қиёфасида мужассам

Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир вилоят ёки шаҳарга ташрифи, ўша ҳудудлар ҳаётида муҳим ўрин эгалламоқда. Уларда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни яхшилашга, катта бунёдкорликларнинг юзага келишига, одамлар онгида жиддий янгиланишларнинг бўй кўрсатишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, шаҳарларнинг замонавий ва миллий асосда қайта қурилишига, янги даҳалар, мавзелар, кўчаларнинг барпо этилишига асос яратилмоқда.

Юртбошимизнинг Қашқадарё вилояти, хусусан, Қарши шаҳрига қилган сафарлари натижасида ҳам ана шундай ютуқлар, муваффақиятлар қўлга киритилганлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, Қарши шаҳри кейинги уч-тўрт йил ичида давлатимиз раҳбарининг кўрсатмалари, ташаббуси билан янги қиёфа касб этмоқда. Шаҳар ҳудуди кейинги йилларда 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилганлиги ҳам бу ерда қўлаб обод, кўркем, замонавий бинолар қад ростлагани, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектлари бунёд этилгани, янги йўл ва кўприклар қад ростлаганини кўрсатади.

2>

> 25 ЙИЛ: МУСТАҚИЛЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ



ЛАТИФ ШАҲАРНИНГ ЛАТОФАТИ

Халқимиз олис ўтмишдан бошлаб тарихнинг барча давралида шаҳарсозлик маданиятида, гўзал иншоотлар, иморатлар

қуриш борасида бунёдкор миллат сифатида шухрат қозониб келган. Истиқлол йилларида халқимизнинг асрлар давомида шакланган

шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш йўлидаги бунёдкорлик ишларига кенг йўл очиб берилди. Мамлакатимиздаги йирик шаҳар-

лар, воҳалар, туманлар марказлари замонавий ва миллий шаҳарсозлик режаси асосида қайта қурилиб, тикланмоқда, янгидан бунёд этилиб,

гўзал қиёфа касб этмоқда. Шундай янги шаҳарсозлик намунаси Фарғона водийсидаги Қўқон шаҳрида ҳам барпо қилинди.

5>

УЧРАШУВДАН УЧРАШУВГАЧА:

сарҳисоб, таҳлил, режа ва вазифалар

> ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ



Жорий йилнинг 25-июнидан 5-июлигача Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари мамлакатимиз ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан учрашдилар.

Таъкидлаш жоизки, депутатларнинг ўз сайлов округларида электротат билан юзма-юз мулоқотлари фракция аъзоларининг қонун ижод-

корлиги фаолияти юзасидан сайловчиларга ахборот бериш, жойларда қонунларнинг қандай ишлайётганини, яна қандай янги қонун ва ҳуқуқий нормаларга эҳтиёж борлигини, фуқароларни ўйлантираётган муаммолар ва уларнинг ҳал этиш масалаларини ўрганишда, депутатларнинг электротат олдида ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим

ўрин тутади. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга республикамизнинг барча ҳудудларида катта тайёргарлик кўрилатган айни кунларда депутатларнинг электротат билан ўтказган учрашувларида юртдошларимизнинг қалбини тўлдирган байрамона шукҳ, кўтаринки кайфият яққол намоён бўлди.

3>

> ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

Сиёсий партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини рўёбга чиқаришда асосий механизмлардан бири саналган депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлик руҳида, масъулиятни янада чуқур англаб ишлаши давр талабига айланган.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ ИШЛАШ

муваффақиятлар мезони

Партиялараро ракобат тобора кучаяётгани, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ислохотларга даҳлдорлик ҳисси ортаётгани ҳам масъулият билан ишлашни тақозо этади. Айтиш кераки, халқ депутатлари Ботот туман Кенгашидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП депутатлик гуруҳи ҳам қонуний ваколат ва имкониятлардан фойдаланиб, ҳудуд аҳолиси, сайловчилар ишончини оқлаш учун ўз зиммасидаги вазифаларни намунали тарзда уदдалашга ҳаркат қилмоқдалар.

Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан партия-мизнинг "Таълим муассасаларида ижтимоий тенглик" лойиҳаси доирасида жойларда йўлга қўйилган ишлар кўпчилигининг диққатини жалб этмоқда. Буни фуқароларнинг депутатлик гуруҳига қилган мурожаатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Депутатлик гуруҳи аъзоси Муҳаббат Абдуллаеванинг саъй-ҳаракати билан тумандаги маънавий хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунаар коллежи ўқитувчи ва ўқувчиларининг таълим даргоҳида бир хил форма кийиш тартибига тўла риоя қилинаётгани тумандаги ўқув муассасаларида намуна бўлапти.

Шунингдек, "Дехқонбозор" кишлоғида истиқомат қилаётган фуқароларнинг депутат М.Абдуллаевага қилган мурожаати асосида жамоатчилик иштирокида олиб борилган ўрганишлар ва амалий ишлар натижасида "Осиё" маҳалласида жойлашган 30-умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг мактаб формаси жорий этилди. Тумандаги 1, 7-сонли умумтаълим мактабларида, иқтисодиёт ва енгил саноат касб-хунаар коллежларида ҳам ўқувчиларнинг ягона ўқув формаси жорий қилиниши юзасидан депутатнинг ташаббускорлиги ўз самарасини бериб, ўқувчилар янги ўқув йилидан бошлаб таълим даргоҳида форма кийишлари режа-лаштирилди.

2>

УЧРАШУВДАН УЧРАШУВГАЧА: сарҳисоб, таҳлил, режа ва вазифалар

Давоми. Бошланғичи 1-бета

СУРХОНДАРЁ. Қонунчилик палатасига 76-“Узун” сайлов округидан сайланган депутат, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси раҳбари Наримон Умаровнинг узунлик сайловчилар билан учрашувлари қизгин, самимий ва очиқ мулоқот руҳида бўлиб ўтди.

Н.Умаров мамлакатимиз таракқиётига, ҳар бир ҳудуднинг замон билан ҳамнафас ривожланишига ўз хиссасини қўшиб келадиган Ўзбекистон “Адолат” СДП тизимидаги барча ташкилотлар, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатлари, “Аёллар” қаноти, “Ёш адолатчилар” қаноти фаолларининг буюк тарихий сана – Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан амалга ошираётган эзгу ишлари, шу мақсадда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғибот тадбирлари ўтказиб келинаётгани ҳақида алоҳида тўхталиди.

— Дунё сиёсий майдонида мурракб назият давом этаётган, турли манфаатлар тўқнашувлари туфайли айрим ўлкаларда нотинчлик, қонли можаролар тинмаган, жаҳон молиявий инқирози мамлакатлар иқтисодига ҳамон салбий таъсир этаётган бугунги даврда мамлакатимиз барқарор ривожланиб, ҳар бир соҳа таракқиётида улкан натижаларга эришилганлигини ҳис қилишимиз кераклигини қўйиб қўйиш мумкин эмас, — деди Н.Умаров. — Ҳар бир ҳудудда янгиланишлар баробарида одамларнинг онгу тафаккурини ўзгартириш ҳам энг катта ютуқларимиздан саналади, десак хато бўлмайди.

Учрашувда иштирок этган туман фаоллари истиқлол йилларида Сурхондарё вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик сазой-харакатлари боис вилоят, шаҳар ва туманларда қўлбел янги ишбилдирил, мухташам бинолар, санаят қўрғонлари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, тарихий қадимжолар обод бўлгани, намунавий уй-жойлар, қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилганлиги хусусида сўз юритдилар. Иштирокчилар тиббиёт муассасаларининг моддий-



техник базаси замон талабларига мос мустаҳкамланиб, аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш сифати яхшиланаётгани, тадбиркорлик фаолиятининг қўллаб-қувватланиши аҳоли бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини муҳим омилга айланганини эътироф этишди. Учрашувларда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилаётган кенг қамровли ишларда “Адолат” СДП аъзолари, партия депутатлари ҳам фаол катнашиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хисса қўшаётганлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимиз таракқиёт стратегиясининг барча соҳаларда муваффақиятли татбиқ этилиши, шубҳасиз, миллий қонунчилигимиздаги мустаҳкам ҳуқуқий асослар ва уларнинг давр талабларига мувофиқ равишда такомиллаштирилиши билан боғлиқ. Н.Умаров сўнгги йилларда қабул қилинган янги қонунлар, Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларининг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги янгилликлар, айни пайтда ишлаб чиқила-

ётган янги қонун лойиҳалари ва уларнинг мазмуни, соҳаларни ривожлантиришдаги амалий аҳамияти ҳақида батафсил сўз юритди.

Шу билан бирга, депутат Наримон Умаров “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”,

гина эканини ҳам айтиш лозим.

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, депутат Н.Умаров партиянинг Сайловчи дастуридан ўрин олган вазифалар ва уларнинг ижроси хусусида ҳам алоҳида сўз юритди. Учрашувларда сайловчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол катнашдилар. Шу билан бирга, фуқаролар жойларда мавжуд айрим муаммоларни хал этишга депутатнинг эътиборини қаратишди.

Хусусан, учрашувларда маҳаллалардаги базис ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминотида доир масалалар ҳақида маҳалла фаоллари сўз юритишди.

“Хурсанд” маҳалласи фаоли Абдураим Тошқўлов маҳаллада тоза ичимлик суви таъминотида кийинчилик юзага келаётгани, бу борада кулайликлар яратиш, “Оқ остона” маҳалласида яшовчи Чори Худойкулов маҳалла ҳудудида жойлашган 38-сонли умумий ўрта таълим мактабининг ўйингоҳини таъмирлаш зарурлигини кайт эттишти.

Наримон Умаров туман иқтисодий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлиб келаётган «Хонжиза» акциядорлик жамиятида ҳам сайловчилар билан мулоқотда бўлди. Учрашувда депутатнинг мамлакатимизда санаяти ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, бу борадаги янгилликлар ҳақидаги фикрларини сайловчилар қизиқиши билан тингладилар. Шунингдек, суҳбат асосида учрашув иштирокчилари ҳонадонларда фойдаланилган электр энергияси учун фуқаролар томонидан амалга оширилган тўловларга доир айрим масалалар ҳақида кайт этиш зарурлигини кайт этдилар.

Учрашувлар давомида сайловчилар томонидан билдирилган тақдирлар ҳақида ўртага таъинланган масалаларни ўрганиш ва қонуний ечим топиш юзасидан депутат шу жойининг ўзидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан мулоқотда бўлди ҳамда муаммоларнинг ижобий хал этилишига келишиб олинди.



САМАРҚАНД. Партиянинг жамият ҳаётидаги ислохотчилик ролини кучайтириш, ҳар бир оила учун муносиб иш ва яшаш шароитини таъминлаш йўлидаги тақдир-ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, амалий ишлар билан мустаҳкамлаш сиёсий ташкилотнинг депутатлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

“Адолат” СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоларининг мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувларида ҳам партиянинг жамиятни янада фаровонлаштириш, электрорнинг ҳаётий манфаатларини химоя қилиш борасидаги мақсад, иштирокчиларнинг ўзининг тўлиқ ифодасини топди.

60-“Самарқанд” сайлов округидан қуйи палатага сайланган депутат Шухрат Полвоновнинг “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида маҳаллаларда ўтказган мулоқотлари чотида ижтимоий соҳадаги айрим масалаларга электрорнинг бевосита иштирокида жавоб излангани, фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига тегишли бошқарув идораларининг эътибори қаратилиши билан аҳамиятли бўлди.

Депутат сайловчилар ҳузуринида сўзга чиқар экан, аввало, фракция аъзоларининг қонун ижодкорлиги борасидаги ташаббускорлиги, қабул қилинаётган янги қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил тушунтириш берди. Миллий қонунчилик базаси тобора такомиллашиб, ҳуқуқий меъёрлар билан тўлдирилаётганлиги эса ислохотлар жараёнига чуқур таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари мустаҳкамланиб, банк-молия тизими янада ривожлантирилмоқда.

— Дунё тан олаётган ҳар битта ютуғимиз, ўсиш-юксалишимиз фуқароларнинг мамлакатимизда кечайтган жараёндарга нисбатан бевосита дахлдорлигига боғлиқ тақалади, — деди Шухрат Полвонов. — Шу билан аввало юртимизнинг ободлиги, элимиз фаровонлиги учун ҳар биримиз фуқаролик масъулиятини янада чуқур ҳис этайлик.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Оҳалик” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 4 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда ижтимоий соҳадаги ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда ечимини қўтаётган муаммолар ҳам бор, албатта. Хусусан, йўлсозлик, коммунал хизматни такомиллаштириш, маҳаллалар ва коллеж ораллигида жамоат транспорти катновини таъминлашда сайловчилар депутатдан амалий ёрдам сўрадилар. Сайловчилардан Ашурбой Шоаҳмедов, Гулнара Бахриева, Аълам Гафоров эса депутат Шухрат Полвоновга пластик қарточка ва терминаллардан фойдаланишда мавжуд тартиб-қоидаларга амал қилишини устидан назоратни кучайтиришни, “Оҳалик” даги болалар санаторияси ва дам олиш уйларида даволаниш ва маънавий шарт-шароитларни яхшилаш зарурлигини баён қилдилар.

Шухрат Полвоновнинг “Улғубек” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги маҳаллаларда ўтказган учрашувларида сайловчилар билан бундан аввалги мулоқотлар чоғида тилга олинган муаммолар, хусусан, телефон алоқасидаги камчиликлар, жамоат транспортида нақд пулсиз тўловларни жорий этиш ҳақидаги тақдирлар ўзининг ижобий ечимини топаётганлиги мамнуният билан кайт этилди.

Қонунчилик палатаси депутати Алишер Махматмуродовнинг Урганч туманидаги қатор меҳнат жамоалари, маҳаллаларда бўлиб ўтган учрашувлари электрорнинг қизиқтираётган ижтимоий масалаларни ҳозиржавоблик билан хал этишга қаратишди. Хусусан, “Адолат” СДПнинг йирик бошланғич ташкилотларидан бири фаолият юритаётган туман тиббиёт бирлашмасида бўлган самимий мулоқотларда даволанган-профилактика ишларининг самардорлигини кучайтириш, қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларининг мадақасини ошириш сингари масалалар тилга олинди. Депутатнинг Самарқанд туманидаги “Равонак” қишлоғида сайловчилар билан учрашувлари ҳам фойдали мулоқотларга бой бўлди. Хусусан, қишлоқ ҳўжалиғида банд бўлиб, моддий неъматлар ишлаб чиқараётган меҳнаткаш инсонларнинг ижтимоий пакетлардан имкон қадар фойдаланишларини таъминлашга доир тушунчалар, фикр-мулоҳазалар йирилганларнинг диққатини тортиди.

НАМАНГАН. Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Якубовнинг таъкидлашича, сайловчилар билан бу галги учрашувлар мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларга ҳамоҳанг тарзда ўтганлиги билан ҳам эътиборга молик.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги саммити, мазкур анжуманда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам бутун дунё жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Шунингдек, Камчик довози орқали ўтган ва Фарғона водийсини мамлакатнинг бошқа ҳудудлари билан боғлаш имконини берган Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилиши, тоғда ноёб ишоот — тоннелининг очилиши кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлди.

40-“Сардоба” сайлов округидан Қонунчилик палатасига сайланган депутат Шухрат Якубовнинг Наманган шаҳридаги қатор маҳаллалар, қорхона, ташкилот ва муассасаларда фуқаролар билан учрашувлари қизгин мулоқотларга бой бўлди. Масалан, “Янги қурилиш” маҳалласидаги мулоқотда халқ депутатлари вилоят, шаҳар Кенгашидаги партиянинг сайланган депутатлари, шаҳар ҳокимлиги ва аҳолига хизмат кўрсатувчи бир қатор ташкилотларнинг мутасаддилари ҳам катнашдилар. Дастлаб давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамга тайёргарлик кўриши ва унга ўқитиш тўғрисида”ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Сўзга чиққанлар чорак аср мобайнида юртимизда халқ турмуш фаровонлигини ошириш мақсадини қўлаб олиб борилган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини кайт этдилар. Ўзбекистон “Адолат” СДП ташкилотлари, маҳаллий вакиллик органларида фаолият юритаётган партия депутатларининг бу борадаги фаолияти ҳақида ҳам сайловчилар батафсил маълумот олдилар.

— Сайловчилар билан учрашувларда катнашган ҳар бир киши бугунги кунда фуқаролар мамлакатимизда олиб борилган улдувор ишларга дахлдорлик ҳисси билан яшаётганига яна бир бор гувоҳ бўлди, — дейди Наманган шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Рустам Икромов. — Нафақат “Янги қурилиш”, балки “Гулнора”, “Янги ҳаёт”, “Нуробод” ва “Янги аср” маҳаллаларида ҳам мулоқотлар жонли ва қизиқarli ўтди. Аҳолида парламент фаолиятига, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги депутатлар олиб бораётган ишларга қизиқиш ортиб бораётганлиги кузатилди. Айниқса, янги қабул қилинган қатор қонунларнинг мазмун-моҳияти, белгиланган янги норма ва қоидаларнинг аҳамияти бўйича савол-жавоблар қизиқarli ва фойдали кечди.

Учрашувлар чоғида ҳудудларда мавжуд муаммолар хусусида ҳам сўз борди. Маҳалла фаоллари ички йўлларни таъмирлаш, сув ва газ таъминотини яхшилаш борасида депутатдан амалий ёрдам кўрсатишини сўрадилар. Мисол учун, “Янги қурилиш” маҳалласида яшовчи фуқаро Роза Алиева аҳолини сулуттирилган газ баллонлари билан таъминлаш борасидаги муаммони ўртага ташлади. Депутат, ўз навбатида, бу масалани “Водийгазтаъминот” қорхонаси Наманган шаҳар бўлими мутасаддиларига йўналтирди. Мулоқотда катнашган ушбу ташкилот вакили Икром Воҳидов мазкур муаммо тез орада ўрганиб чиқилиши ва ижобий ечим топилишига ваъда берди.


ФАРҒОНА. Қўштепа туманидаги “Файз”, “Пахтакор”, “Лойсон”, “Шаҳартепа”, “Лангар”, “Ўқчи”, “Солиқобод” қишлоқларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умид Сулаймонов миллий қонунчилигимиз, ундаги ўзгаришлар ва янгилликлар хусусида батафсил тушунчалар бериб ўтди.

Мулоқотлар давомида Қўштепа тумани сайловчилари билан жорий йилнинг март ойида бўлиб ўтган учрашувларда билдирилган тақдир ва мурожаатлар юзасидан қилинган ишлар ҳақида батафсил сўз юритди.

Шунингдек, У.Сулаймонов ўз сўзида жорий йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити мазкур ташкилотнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва хавфсизлик соҳасида халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришда муҳим босқич бўлганини кайт этди.

Умид Сулаймоновдан керакли таъсиялар олдим, — дейди “Янги ҳаёт” маҳалласи фаоли Баҳром Мирзаев. — Депутатимизнинг амалий ишлари, “тумани янада ободонлаштириш ва таракқиёт этириш йўлида бел боғланган фуқаро борки, уни депутатлик ваколатларимдан имкон қадар фойдаланиб қўллаб-қувватлашга тайёрман”, деган сўзлари биз, сайловчилар ишончи оширди.

Мулоқотларда маҳалла фаоллари томонидан аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктларининг замон талабларига мос ишлашини таъмин-



Очиг мулоқотларда тумандаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари раислари туман миқёсида бартараф этиш зарур бўлган айрим муаммолар юзасидан фикрларини баён этишди.

— Учрашув барча иштирокчилар, жумладан, мен учун ҳам жуда фойдали бўлди. Сабаби, ёш тадбиркор сифатида ўз фаолиятимга доир қонунчилик асослари, ушбу соҳани ривожлантириш истикболлари юзасидан

лаш, айрим қишлоқларда тоза ичимлик суви таъминоти, туманда ёшлар учун спорт мажмуалари сонини ошириш, ҳонадонларга сувоқтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказишга доир масалалар ўртага ташланди ҳамда У.Сулаймонов халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари билан биргаликда мазкур масалалар ва уларнинг ечимини хусусида фикрлашиб, мавжуд камчиликлар юзасидан ту-

мандаги бир қатор мутасадди ташкилотлар раҳбарлари номига депутатлик сўрови қиритилишига келишиб олдилар.

— Туманимиз аҳолисининг ижтимоий, сиёсий дунёқараши тобора ўсиб бораётгани ушбу очиқ мулоқотларнинг жонли ва самимий ўтишида катта аҳамиятга эга бўлди, — деди “Ойимча” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жалолиддин Аҳмедов. — Депутатнинг ташаббускорлиги билан маҳалладаги савдо-расуларида пластик қарточка билан савдо қилувчи терминаллар тўлиқ ўрнатилгани, қишлоқ врачлик пунктларининг қайта таъмирланиши, маҳалла фаоллари иштирокида жамоатчилик назоратининг кучайиши ва шу каби ижобий ишлар депутат У.Сулаймоновга сайловчиларнинг ишончи ортишига сабаб бўлмоқда.

Тадбир сўнггида депутат маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, халқ депу-



ХОРАЗМ. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мақсуд Қурбонбоевнинг Урганч туманидаги “Чолиш”, “Файбу” қишлоқлари, “Афри” хусусий қорхонасида сайловчилар билан учрашувлари ҳам ишчанлик, ошкоралик руҳида бўлиб ўтди.

Учрашувларда таъкидланганидек, мустақиллигининг кадри, мазмун-моҳияти, айниқса, вақт ўттиши билан, яъни у ҳаётимизнинг барча жаҳалларини қамраб олгани ва натижаларини нафақат халқимиз, балки дунёни хайратга солаётганлигида янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Истиқлол туфайли мамлакатимизнинг қудрати ва иқтисодий салохияти тобора ортиб, яъни ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги энг юксаликлар қаторида 8 фойздан кам бўлмасдан келаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганлиги барчамизга гурур баришлайди.

Электрорат билан очиқ мулоқотлар давомида мамлакатимизда қонунчилик тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган ишлар, партияимиз фракциясининг бу борадаги фаолияти, янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати соҳасидаги янгилликлар диққат марказида бўлди.

Фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш баробарида ўзлари истиқомат қилаётган ҳудудда мавжуд муаммолар ҳақида ҳам сўз юритишди. Жумладан, “Файбу” қишлоғида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, “Туркманлар” маҳалласида фуқаролар, айниқса, ўқувчиларнинг умумтаълим мактабига катнашига қулайлик яратиш мақсадида пиёдалар учун йўлақлар барпо этиш, “Чолиш” қишлоғидаги базис ички йўллар таъмирталаб бўлиб қолганига доир ва бошқа шу каби масалалар ўртага ташланиб, тадбирларда иштирок этган мутасадди ташкилотлар раҳбарлари эътиборига хавола этилди.

Мақсуд Тўраев, Замира Абдуллаева, Комила Исроилова, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона вилоят кенгашлари матбуот котиблари, Зоҳир Тўрақулов, Нурбек Абдуллаев, “Adolat” муҳбирлари

ОСОЙИШТА ВА ОБОД ҲАЁТ истиклолнинг бебаҳо неъматидир



ТАДБИР

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шодиёнаси тобора яқинлашиб келмоқда. Шу муносабат билан жойларда **“Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!”** шиори остида турли байрам тадбирлари, маданий-маърифий кечалар ўтказилаётир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Сергели туман кенгаши ҳамкорлигида “Буюк ва муқаддасан, хур Ўзбекистон!” лойиҳаси доирасида “UzTex” ва “Ekorpen” МЧЖларида “Осойишта ва обод ҳаёт — истиклол неъмат” мавзусида тадбир ўтказилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 2 июнида “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳамда унинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбирда партия фаоллари, корхоналарнинг меҳнат жамоалари иштирок этишди.

Тадбир “Қим эдигу ким бўлди, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?” деган ҳаётий ҳақиқатни ўзида мужассам этди. Зеро, бугунги кунда эришган ютуқларимиз ўз-ўзидан пайдо бўлмагани, аксинча, халқимизнинг машаққатли меҳнати, матонати орқали, ота-боболаримизнинг жасорати тўғрисида эришилгани, истиклол буюк неъмат эканлиги ҳақида кенг жамоатчилик орасида тушунтириш ишлари олиб бориш, энг улуг байрамимизни

юқори савияда, янада кўтаринки руҳда нишонлашга кўмаклашиш, барча даражадаги давлат ва жамоат ташкилотлари катори Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари ҳамда партияимиздан сайланган депутатларнинг устувор вазифасидир.

— Мустақиллик юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолати бўлиб, истиклол шарофати билан ёрув келажакимизни ўз қўлимиз билан куриш йўлида беқисс имкониятлар яратилганлиги, эркин ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш кераклигини, тарихнинг оғирлиги даврларидан хулоса чиқаришни ёш авлод оғи ва қалбига етказиш долзарб вазифамиз саналади, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Одиложон Омонов.

— Бу борада амалга оширадиган ишларимиз давомиди, авваламбор, давлатимиз танлаган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий эканини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Айниса, жаҳоннинг турли нуқталарида таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган бир шароитда ютуқларимиз асоси бўлган тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиқдек асраш,

доимо хушёр ва огоҳ бўлиб, тинчлик учун курашиб яшаш хал қилувчи аҳамиятга эга.

— Истиклол шарофати билан халқимиз яшаш тарзи, тафаккури тубдан ўзгарди. Эндиликда кўчалар, маҳаллалардаги кўримсиз, пасткам уйлар, бинолар ўрнида миллий руҳдаги замонавий иншоотлар, спорт мажмуалари, тиббий муассасалар, таълим масканлари, кўшма корхоналар қад ростлади ва бундай эзгу ишлар давом этмоқда, — деди Сергели туман партия кенгаши раиси Сардор Мухамедов. — Санаткорхоналарида маҳаллий мутахассисларнинг замонавий технологиялар асосида маҳорат билан ишлаётганлиги қувонарлидир. Эртанги кунимизнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшлар янгича, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштирган, Ватанимизнинг тақдирини ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир инсонлар бўлиб вояга етмоқда.

Тадбир иштирокчилари мустақиллик халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмашга, ҳар қимга ўз истеъод ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятини бергани, истиклолимиз, бугунги тинч ва осуда, овоз ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаш, юрт равнақи йўлида фидойи бўлиш ҳар биримизга юксак масъулият юклаганини алоҳида таъкидладилар.

Феруз Жўраев,
Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

ДАВРА СУҲБАТИ

Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” СДП Учқудук туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбати ташкил этилди.

Гиёҳвандликка йўл йўқ

Тадбирда маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик каби салбий иллатларнинг илдиригачаси ўқувчи нафақат ташкилотлар, балки аҳолининг барча қатлам вакиллари масъул эканлиги тўғрисида фикр юритишди.

— Бугунги кунда ОИТС ва гиёҳвандликка қарши курашиш борасида ота-оналар, маҳалла аҳли, ижтимоий муҳитнинг роли ниҳоятда катта. Бу борада жамиятда ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларнинг доимий иш билан шуғулланишини назоратга олиш, мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиб туриш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада 2014 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшлар оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор биз учун асос бўлиб хизмат қилади, — дейди халқ депутатлари Учқудук туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Ж.Бобомуродов.

Давра суҳбати якунида таълим муассасалари, маҳалла ҳамда аҳоли гавжум жойларда, бозор ва савдо дўконлари атрофида ОИТС ва гиёҳвандликка қарши қаратилган тарғибот воситалари ўрнатилиши, партия ташкилотлари етакчилари фаолият давомидида “ОИТС ва гиёҳвандлик — умр заволи”, “Биз — ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз”, “Гиёҳвандлик ва ОИТСга йўл йўқ” мавзуларида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳамда маҳаллаларда ёшлар таянч клубларини тузишга келишиб олинди.

Баҳриддин Қўрбонов,
Навоий вилоят кенгаши бош мутахассиси

ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Жиззах давлат педагогика институтининг “Биз мафқуравий таҳдидларга қаршимиз” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил қилинди.

Маънавий таҳдидлар ортида қандай мақсадлар бор?

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг мазкур институт қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан “Камолот” ЕИХ вилоят кенгаши, Маънавий тарғибот маркази вилоят бўлими, Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда таъкидланганидек, халқаро майдонда мафқуравий, ғоявий, ахборот хуружлари кучайиб бораётган бугунги даврда мамлакатимизда миллий ғоя ва маънавий тарғибот ишларини замон талабларига мувофиқ олиб бориш долзарб аҳамият касб этмоқда. Афсуски, миллий қадриятлар ва динни сохталаштиришга уринишлар, ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилиш орқали халқ маънавиятини бузишга, турли мафқуравий воситалар орқали миштанакани ва давлатлараро можароларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётган бузғунчи кучлар ҳамон интернет тармоқларида ёшлар оғида кўрнимас тўр ташлашда давом этмоқда. “Оммавий маданият”нинг ҳар хил кўринишларини тарғиб қилиш орқали инсонларда миллий ўзлигини шакллантирадиган қадрият ва маданият, мумтоз санъат дурдоналарига меҳр-муҳаббатни суъайтиришга уринишлар ортмоқда. Бундай таҳдидларнинг барчаси ёшлар онг-тафаккури, дунёқараши ва миллат келажак учун нечоғлик салбий таъсир кўрсатишини ҳис қилган ҳолда тарғибот-ташвиқот тадбирларининг самарадорлигини янада ошириш лозим.

— Партияимиз томонидан бу каби тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларда мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, уларни турли бузғунчи, вайронкор ғоялар, мафқуравий хуружлар таъсири доирасига тушиб қолишдан асрашда катта аҳамиятга эга, — деди халқ депутатлари Жиззах шаҳар Кенгаши депутати Фахриддин Қўбиров. — Замон талабидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаро лоқайдлик ва бепарволикка берилмаслиги, теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўта хушёрлик билан қараши, сергаклик ва огоҳликни бугунги кун талаби деб билиши, вояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиши керак.

Дарҳақиқат, ёшларимиз — келажакимиз, эртанги кунимиз. Уларни руҳан хотиржам, маънан етук, ўзлигини унутмайдиغان, Ватан тўғрисида барча насаддан азиз деб билиб, она Ватан истиклоли ҳимоясига шай, юртга садоқат руҳида тарбияланганимиз даркор. Шундагина ёшларимиз ҳеч қимга, ҳеч қачон алданмайди. Ҳатто, бирор-бир мураккаб ҳолатга тушиб қолганида ҳам ўз бурчинини унутмайди. Ўз Ватани ва ўз халқига хиёнат қилмайди.

Ватанимиз муқаддас билганининг гурури ва ифтихори юксак бўлади, деб бежиз айтилмаган. Зеро, шу азиз Ватан, шу муқаддас замин ота-боболаримиздан бизга, биздан эса келажак авлодга беким мерос бўлиб қолади. Бунинг ҳар биримизга чин қалбдан ҳис қилмоғимиз лозим.

Ражаббой НАБИЕВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП Жиззах шаҳар кенгаши раиси

Интернетдан фойдаланиш маданияти

Интернет олами ҳаммабплиги, дунё бўйлаб кенг тарқалганлиги, тезкор, қулай ва замонавийлиги билан барчанинг эътиборини тортади. Унинг бир қанча ижобий жиҳатлари қаторида салбий томонлари ҳам борки, шулардан бири ҳозирги кунда кўпчиликни ташвишлантираётган ахборот хуружлари тарзида намоён бўлмоқда.

Қўштепа туман хизмат кўрсатиш ва педагогика касб-хунар коллежида Ўзбекистон “Адолат” СДП туман ташкилоти томонидан “Интернет маданияти ва ахборот хавфсизлиги муҳим вазифамиздир” мавзусида очик мулоқот ўтказилди. Партиянинг “Ватан келажак ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда коллеж битирувчилари, ўқитувчи-педагоглар, ота-оналар, халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этидилар.

— Бугунги кунда ахборот хуружларига нисбатан ўз вақтида ёш авлод оғида тўғри тасаввур ҳосил қилиб бориш ҳаётий заруратга айланган, — деди туман партия кенгаши раиси Илҳом Қосимжонов. — Бу ижтимоий ҳодиса илмий таъкид қилиниши ва унинг асл моҳияти барча таълим муассасаларида ўргатилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, фарзандларимизнинг оғи ва ҳаёти учун зарарли, эртанги кунга бўлган ишончига путур етказадиган бузғунчи ғояларга қарши кучли маънавий тарғибот ишларимиз орқали курашимиз зарур.

Маълумки, интернет ёрдамида фойдаланувчи ўзига керакли маълумотни тезкорлик билан топа олади. Бу эса вақтимизни тежаб, уни илм учун кўпроқ сарфлаш имконини беради. Лекин ҳамма ёшлар ҳам тармоқларга илм истаганида ёки ўзига фойдали маълумотлар учун муурожаат қилаяптими? Хўш, ота-оналар бу борада нималарга эътибор бермоқдалар? Мулоқотда депутатларимиз томонидан шу каби саволлар ўртага ташланди ва ўқувчиларнинг ота-оналари, педагоглар ўзаро фикрлашиб олинди.

Тадбир иштирокчиси Хафиза Йўлдошева ўз мулоҳазаларини шундай баён қилди:

— Мен ҳам баъзида ўзим учун керакли маълумотларни олишда интернетдан фойдаланаман. Мақсадим аниқ бўлганлиги учун турли фойдасиз тармоқларга қалғимайман. Бунга бевосита ғувоҳ бўлаётган фарзандларим ўзларини қизиқтирган маълумотлар борасида доимо мен билан маслаҳатлашиб олади. Демократиклик, фарзандларимиз билан, аввало, дўст тутишган ҳолда, ўзимиз ўрнатилган бўлмоғимиз, уларга нима кераклигини биз — ота-оналар билимоғимиз зарур.

Тадбир сўнггида Фарғона вилоят партия кенгаши вакиллари иштирокчилар ўртасида анкета саволлари ёрдамида ижтимоий сўров ўтказилди. Бунда коллеж ўқувчилари интернет тармоқлари ва улардан фойдаланиш хусусидаги қарашларини ҳолисона акс эттиришди.

Комила ИСРОИЛОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Янги қиёфа касб этаётган қишлоқ

ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ АМАЛДА

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши томонидан Кўшкўпир тумани “Ғозовот” қишлоғи “Янгилик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Асадбек, Аслбек” гузарига “Шаҳар ва қишлоқларда бир хил шароит” лойиҳаси доирасида “Бир кўриб кетинг, қишлоғимизни” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида туман хотин-қизлар кўмитаси масъул ходимлари, маҳалла етакчилари, партия фаоллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этиди. Тадбирни “Адолат” СДП Кўшкўпир туман кенгаши раиси Назоқат Боймуротова кириш сўзи билан очиб берди.

Истиклол йилларида шаҳарсозлик маданиятини юксалтириш йўлидаги бунёдкорлик ишлари учун кенг имкониятлар яратиб берилгани, мамлакатимиз раҳбари ғоялари асосида ўлкаимиздаги йирик шаҳарлар, воҳалар, туманлар марказларида ғоят замонавий ва юртимиз киёфасига монанд шаҳарсозлик маданиятига хос иншоотлар, бинолар, мажмуалар барпо этилгани хусусида сўз юритилди.

Маълумки, партияимизнинг Сайловолди дастурида

қишлоқ ҳудудларини ободонлаштириш, йўл инфратузилмасини, айниса, маҳаллалар ичидаги кўчаларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш, мавжудларнинг модернизация қилиш ва янги ижтимоий объектлар қуриш муҳим вазифалар каторида таъкидланган, шу юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.

— Ёшларимиз замонавий мактабларда таълим олмоқдалар, уларнинг яхши ўқишлари учун барча шароитлар яратилган. Қишлоғимиз тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари билан коллеж ўқувчиларига янги иш ўринлари очилмоқда. Қишлоқларимиз шаҳардан қолшмайди даражада қад ростламоқда. “Вазир” маҳалласи мисолида кўрайдиган бўлсак, тадбиркор Хамробек Раҳимовнинг ташаббуси билан автомобилларга хизмат кўрса-



тиш шохобчаси, маҳалла аёллари учун гўзаллик саломи, гузар ва тўйхона барпо этилди, — дейди “Ғозовот” қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Даврон Аллаберганов. — Маҳаллада озик-овқат дўкони фаолият юритмоқда. Бу ерда 10 нафар коллеж ўқувчиси иш билан таъминланган.

— “Янгилик” ва “Шеробод” маҳаллаларида мини-футбол, сузиш майдончалари қурилиши бошлаб юборилди.

40 иш ўринга мўлжалланган гишт заводи ҳамда замонавий технологиялар билан жиҳозланган 100 иш ўринга мўлжалланган чорва фермаси, 10 иш ўринга мўлжалланган новвойхона қурилиши давом этмоқда. Айниса, “Болалар китоб дўкони”дан каттаю кичикнинг қадами узилмайди, — дейди “Вазир” маҳалласи фахрийси Ражаббой Шержанов. — Инсоннинг яхши турмуш кечириши

учун зарур бўлган барча шароитлар ўз маҳалламизда, ўз қишлоғимизда бисёр. Буларнинг бари истиклолимиз шарофати билан эканлигини ҳар биримиз яхши англаймиз.

Тадбир маҳалла фаоллари ўртасида шеърхонлик мушоираси билан якунланди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Давоми. Бошланғич 1-бета

Кўкон Фарғона водийсидаги энг қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Унинг тарихи ҳақидаги илк ёзма маълумотлар милоддан олдинги II асрнинг бошларида бу ерга келган хитой сайёҳи Чжань Пань биткиларида учрайди. У биткиларида водийда Давань давлати борлиги, бу давлатнинг маркази, улғувор шаҳар мавжудлиги ҳусусида ёзиб қолдирган. Қадимшўнослар олиб борган тадқиқотлари асосида Давань давлатининг катта кентларидан бири Кўкон шаҳри ўрнида бўлганлигини аниқлади. Кейинги йилларда археолог олимлар Кўкон шаҳри ва унга яқин жойларда олиб борган қазиниша ишлари натижасида шаҳар остида олис тарихга оид маданий қатламларни топдилар. Буларнинг ҳаммаси шаҳарнинг ёши 2 минг йилдан кам эмаслигини кўрсатди. Кўкон шаҳри тарихи ҳақидаги ёзма маълумотлар араб манбаларида ҳам учрайди. X аср сайёҳи ал-Истаҳрий "Китоб ал-масалик" асарига "Сўх ва Хувақанд, Хувақанд ва Ахсиқент оралиги бир қурилиш йўли", деб белгилайди. Муаллифи номаълум "Худуд ул-олам" асарига Хавоқанд, Риншон, Зандорамаш экинзорлари кўп, гавжум шаҳарчалар, деб тилга олинади. Шаҳарнинг кейинги даврлар тарихи ҳусусида Жамол Карши, Муҳаммад Вафо Карминагий ва XVII аср муаррихлари асарларида кўп маълумотлар мавжуд. Шаҳарнинг номи келиб чиқиши тўғрисида олимлар турли хил фикрлар билдирадилар. Батылари у "Хурикан" — тепалиқдаги шаҳар мазмунини билдиради деса, бошқалари "Хўқан" — кичик кўза маъносини аниқлатади, дейди. Айрим тадқиқотчилар эса "Хўқанд" — ёқимли, хушманзара жой, латиф шаҳар мазмунидан келиб чиққан, деб баҳолайдилар. Нима бўлмасин, бу маълумотлар шаҳарнинг юртимиз қадим тарихида муҳим ўрин тутганлигидан далolat беради.

Кўкон қадимий меъморчилик иншоотлари, тарихий ёдгорликлар, обидалар, ажодлардан мерос бунёдкорлик намуналарига, осори-атикаларга бой шаҳар. Бугунги кунда шаҳарда 60 дан ортиқ йиллик тарихий, маданий ёдгорликлар сақланиб қолган. Уларнинг аксарияти қисми XIX асргача бунёд этилган. Булар тарихий, маданий бойликлар сифатида эъзозланади. Аммо бу ёдгорликлар узок йиллар давомида эътиборсизликлар натижасида жиддий таъмир ва қайта қуришиш муҳтож бўлиб қолган. Шаҳарда, булардан ташқари, кўплаб иморатлар, маъмурий бинолар, турли ташкилотлар ва идоралар учун иншоотлар барпо этилган. Лекин улар ҳам вақт ўтиши билан маънавий эскириб, бугунги талаб ва эҳтиёжларга жавоб бера олмайдиган ҳолга тушган эди. Уларни реконструкция қилиш, янгидан қуриш, аввалги тор, эгирбугри кўчалар ўрнида раво, кенг йўللار яратиш, умуман, шаҳарни обод ва гўзал тарзда барпо этиш ҳаётини заруратга айланган. Шу сабабли давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 5 майда "Фарғона ва Кўкон шаҳарларини 2008-2012 йилларда реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида" қарори қабул қилинди. 2009 йилда Юртбошимиз Кўконда бўлиб, шаҳар киефасини миллий ва замонавий меъморчилик анъаналаридан фойдаланган ҳолда ўзгартириш, такомиллаштириш ҳамда уни янада ободонлаштириб, юртимизнинг гўзал масканларидан бирига айлантириш юзасидан тавсиялар берди. Қарор ва тавсиялар асосида Кўкон шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини яхшилаш бўйича Давлат дастури ишлаб чиқилди. Дастурга мувофиқ, энг аввало, шаҳардаги маданий мерос ёдгорликларини, қадимий обидаларини асл тарихий кўринишига, киефасига монанд тарзда қайта қуриш, таъмирлаш масаласига алоҳида эътибор берилди. Қисқа вақт ичида шаҳардаги ўндан ортиқ қадимий тарихий ёдгорликлар қайта қурилиб, гўла таъмирдан чиқарилди. Кўкон ўрдаси, Жомеъ масжиди, Норбўтабек, Камол кози, Миён ҳазрат мадрасалари, Эшонхон ҳаммоми сингари обидалар асл кўринишига монанд тикланди.

Айниқса, Кўкон ўрдаси, Жомеъ масжиди тарихий киефасига мос равишда қайта қурилди. Ўрда атрофида кенглик юзга келди, майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Шаҳар тарихий киефа касб этди. Аждодлар меросига мос миллий руҳ тикланди. Бу эса шаҳарнинг бугунги кунда ўзига хос тарзда тарихий, миллий, замонавий асосда қайта қурилиши учун замин яратди.

— Кўконда тарихий обидалар ва ёдгорликлар ниҳоятда кўп бўлган. XIX асрнинг охирида шаҳар ва унинг атрофида 52 та мадраса, 120 дан ортиқ мактаб, 50 дан ортиқ масжид, 44 та карвонсарой, 20 та бозор, 10 дан зиёд банклар тарихий иншоотларда фаолият юритган. XX асрнинг 90-йилларида келиб шулардан 64 та тарихий ёдгорлик сақланиб қолган, — дейди кўконлик хунарманд уста Нуриддин Усмонов. — Аммо уларнинг ҳам аҳоли оғир эди. Баъзи жойлари бузилган, бир қисми вайронага айланган, улардан собиқ шўролар даврида турли максалларда фойдаланилгани учун тарихий киефасини йўқотган, таъмирталаб эди. Шаҳардаги бунёдкорлик ишлари ана шу ёдгорликларни қайта тиклашдан бошланди. Хар бир ёдгорлик, обиданинг тарихий тархи ўрганиб чиқилди. Ана шунга мувофиқ равишда қайта қурилди, таъ-

мирланди. Шаҳар мамлакатимизнинг сайёҳлик марказларидан бирига айланди.

Миллий шаҳарсозлик маданияти асосида қад ростилаган Кўкон шаҳрига XX асрдан бошлаб Европа меъморчилиги анъаналари кириб келган. Уша даврда шаҳарда модерн, эклентика, антик услублардаги фарб архитектурасига хос бинолар, иншоотлар қурилди. Шу тариха қадимий шаҳарда шарқ ва фарб шаҳарсозлиги намуналари пайдо бўлди. Бу Кўконда янги ва эски шаҳар қисмларини юзага келтирди. Ушбу ҳолат кўп йиллар давомида шаҳарнинг инфратузилмасини яхшилаш, ободонлаштириш жараёнига имконият бермади. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилда Кўконни қўздан кечирар экан, шарқ ва фарб меъморчилигига мувофиқ барпо этилган иншоотларни, ёдгорликларни қайта қуриш, таъмирлаш асосида шаҳарсоз-



ри, бошқа ташкилотлар жойлашган иншоотлар гўла равишда қайтадан таъмирланди. Кўчанинг икки томонида кўп қаватли янги

харда ҳам тарихий, ҳам миллий, ҳам замонавий шаҳарсозликни ўзаро уйғунлиқда яратиш, ривожлантириш мумкинлигига гўла ишонч хосил қилдилар. "Туркистон", "Амир Темури", "Алишер Навоий", "Фуркат", "Турон" кўчалари кенгайтирилди, кўкаламзорлаштирилди. Улардаги эски, кўрimsиз иншоотлар ўрнига Тантаналар саройи, "Бахт ўйи", Маданият ва маърифат маскани, "Алоқабанк", "Ипотека-банк", "Микрокредит-банк", меҳмонхоналар, савдо шохобчалари сингари маҳобатли, мухташам иншоотлар қад кўтарди. Бу иншоотлар кўркамликда дунё шаҳарсозлигининг энг яхши намуналаридан қолишмайди. Шаҳарнинг қадимий Чорсу майдонини ҳам янги киефа касб этди. Бу ерда шаҳарнинг бугунги ҳаёти учун муҳим аҳамиятта эга янги иншоотлар қурилди. Шаҳарга обихаёт баиш-

ўйингоҳлар ҳам қурилди. Буларнинг ҳаммаси ёшларга шаҳарда катта имкониятлар яратиш берилаётганини кўрсатади. Кейинги йилларда Кўконда илм-фан, таълим соҳаларини ривожлантиришга хисса қўшадиган иншоотларни қуришга эътибор янада кучайтирилди. Шаҳарда барпо этилган тиббиёт, автотранспорт, педагогика, сервис ва тадбиркорлик, қурилиш соҳалари бўйича фаолият юритаётган коллеж бинолари тимсолида Кўкон замонавий шаҳарсозлик маданиятининг энг яхши анъаналари ифодасини топмоқда. Булар ёш авлод калбида фахр-иштихор хиссини уйютади.

— Кейинги йилларда шаҳарда бир неча ўнлаб янги иншоотлар барпо этилди. Юзлаб иморатлар қайта қурилиб, таъмирдан чиқарилди. Шаҳар бағридаги деярли барча йўللар, кўчалар кенгайтирилиб, обод ва текис ҳолатга келтирилди. Кўкон атрофида айланма йўللар бунёд қилинди, — дейди шаҳар ҳокимияти мутахассиси Насимхон Аҳмедов. — Шаҳар "Чорсу"сини аввал кўрган одам унинг бугунги киефасини кўриб хайратга тушибди. Таъмирдан чиқарилган, қайта қурилган кўп қаватли уйлар, "Миллий чойхона", савдо мажмуалари ва хизмат кўрсатиш объектлари, янги ижтимоий иншоотлар, театр олди хиёбони — барча-барчаси тубдан ўзгарди. Ниҳоятда обод бўлган Кўконсоҳи соҳилида қад ростилаган "Бахт ўйи"ни айтмасизми! Унинг ёғинасида 700 ўринга мулкдорларга Тантаналар саройи жойлашган. Ёшларнинг оила, деб аталмиш ҳаёт йўли мана шу даргоҳдан бошланади.

Тарихий обидаларга, ёдгорликларга бой қадимий шаҳарларни замонавий йўсинда барпо этишда меъморчилик соҳасида баъзи замонавий муаммоларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Масалан, қадимий, тарихий иншоотлар пештоқли, айвонли, мухташам ҳолда, ганч, ёғоч ўймакорлиги, қошинпазлик, майолика нақшларига бой тарзда қурилган бўлса, унинг ёғина олдин, нақшу ниғорлардан ҳўла, бетон қопламали иморат тиклаш замонавий шаҳарсозлик маданиятига мос келмаслиги аниқ. Кўкон шаҳрида тарихий ва замонавий иморатларни, биноларни ўзаро уйғунлиқда барпо этишда янгича меъморий ечим топилди. Маълумки, Кўконда тарихий иншоотлар пештоқлари маҳобатли, рангли қолинлар билан безатилган ҳолда, очик айвонли, устунарли ўйма ва бўртма нақшли, бинолар тоқилари ва шифтлари ранг-баранг мукарнасли, гўзал ҳавозали тарзда бунёд этилган. Ана шу меъморий усуллар замонавий кўринишда янги биноларнинг киефасида ҳам аксини топди. Ўрда олдидаги арка, Тантаналар ўйи, маданият саройининг пештоқлари, устунарли қурилишда тарихий меъморчилик анъаналарига монандлик бор. Боулинг маркази, шахмат-шашка мактаби биноларининг айвонлари, ёғоч устунарли қадимий меъморчилик услубининг янги кўриниши ҳисобланади. Ёхуд Камол кози мадрасаси яқинидаги замонавий бинолар деворларидаги нақшлар ҳам тарихий меъморчилик анъаналарига мувофиқ яратилган. Хатто олди йишдан қурилган иншоотлар киефасида ҳам тарих ва замонавийлик уйғунлиги кетган. Бошқача айтганда, бугунги кунда ушбу замонавий иншоотларда Кўкон бинокорлиги ва хунармандчилигига хос иморатсозлик, ўймакорлик, нақшошлик мактабларининг энг яхши анъаналари бирикиб, Кўкон замонавий шаҳарсозлик мактаби шаклланди. Бу ҳолат шаҳарнинг бугунги киефасида ўз ифодасини топди.

— Кўкон азалдан илм-маърифат, санъат, ижод аҳли тўпланган шаҳар сифатида шуҳрат қозонган. Бу ердан юзлаб олимлар, ижодкорлар, санъаткорлар етишиб чиққанлиги, улар юртимиз тарихий тамадуунида муҳим роль ўйнаганлиги ҳам шундан дарак беради, — дейди Кўкон тиббиёт коллежи ўқитувчиси Дилфоза Юнусова. — Бугунги кунда ҳам шаҳарда илм-маърифат, санъатнинг ривожини, ёшлар етуқ инсонлар бўлиб етишишлари учун барча шароитлар яратилган. 50 дан ортиқ ўрта, ўрта махсус ва олий таълим масканлари, ўнлаб кутубхоналар, музейлар фаолият юритаётгани, 200 га яқин спорт иншоотлари ишлаб турганлиги шаҳарнинг порлоқ келажакига хизмат қилади. Истиклол тўғрисида шаҳар бағрида ана шундай имкониятлар юзага келди.

ЛАТИФ ШАҲАРНИНГ ЛАТОФАТИ

лик маданиятида ўзаро яхлит уйғунлиқни, кўркамликни яратиш, шаҳарни ҳам миллий, ҳам замонавий йўсинда қайта тиклаш, ободонлаштириш, унинг мухташам марказини шакллантириш ғоясини ўртага ташлади.

Иш Кўкон шаҳрининг шарқ ва фарб томонларини ўзаро боғлайдиган, бошқа кўчаларини бир-бирига туташтирадиган марказий "Истиклол" кўчасини қайта қуришдан бошланди. Кўча энига кенгайтирилди, бўйига узайтирилди. Бу ердаги кўрimsиз, эски бинолар олиб ташланди. Европа меъморчилиги услубида қурилган шаҳар ҳокимияти биноси, алоқа ўйи, банклар, шаҳар бошқаруви, солиқ идоралари,



"Кўкон механика заводи"га нефть-газ соҳасига бутловчи қисмлар тайёрлаб берадиган замонавий технологиялар ўрнатилди.

ловчи, унинг бағрини кесиб ўтувчи Кўконсоҳи киркорлари ихоталанди. У шаҳар учун салқинлик, табиий микроклим таратувчи масканга айланди. Кўконнинг бугунги шаҳарсозлик маданиятини шакллантиришда эколандшафт, кўкаламзорлаштириш, кенг майдонлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарнинг "Истиклол" кўчасининг бир томони катта хиёбонга келиб туташибди. Яшил хиёбон бу ерда аҳолининг дам олиши, сайр қилиши учун имконият яратиб берди. Ушбу яшил хиёбондан кейин Ўрда майдонини бошланди. Майдон ниҳоятда улғувор қилиб яратилган. Унинг ўртасида Ўрда биноси атрофи очиклиги учун тарихий гўзаллиги билан ақвол кўзга ташланди. Майдон марказида бунёд этилган мусикали фаввора



Қандақор уста Иномжон Солжонов яратган буюмлар Германия, Буюк Британия, АКШ, Франция, Россия, Япония каби давлатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган.

уйлар, иншоотлар қад ростилади. Бу биноларнинг ҳеч қайсиси ташқи кўриниши, қурилиш тархи, безаклари ва бошқа жиҳатлардан бири иккинчисини такрорламайди. Янги биноларнинг биринчи қаватида савдо шохобчалари, шаҳар маиший хизмат кўрсатиш корхоналари жойлаштирилди. Кўчанинг икки томонида яшил йўлақлар барпо этилди. Хуллас, "Истиклол" кўчаси ўз бағрида қисқа вақт ичида Кўконнинг замонавий шаҳарсозлик киефасини намойиш қилувчи мухташам мажмуага айланди.

Кўконнинг марказида, "Истиклол" кўчасида бошланган қурилиш, бунёдкорлик, ободончилик ишлари кейинчалик шаҳарнинг барча нукталарида давом этди. Кўконликлар ша-



"Кўкон дехқон бозори"да сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликлар мавжуд.

ҳам шаҳар киефасига ўзгача гўзаллик баишлаган. Шу сабабли давлатимиз раҳбари Кўкон Ўрдаси майдонида амалга оширилган ишларга юқори баҳо берди. Буюк давлатни соғлом авлод, соғлом миллат барпо этади. Соғлом авлодни воёга етказиш, соғлом миллатни камол топтириш учун эса ҳаётда улғувор ишларни амалга ошириш зарур. Давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда ва Кўкон шаҳрида олиб борилаётган бунёдкорлик, қайта қуриш, яратувчилик ишлари ҳам ана шу максатга қаратилган. Маълумки, Кўкон шаҳри аҳолисининг ярмини ёшлар ташкил қилади. Шунинг учун шаҳарда қурилаётган янги иншоотларнинг аксарияти қисми ёшларнинг соғлом авлод сифатида воёга етишишга хизмат қиладиган илм-фан, маданият, спорт, санъат масканларидан иборат. Шулардан бири Болалар спорт мажмуаси ҳисобланади. Бу мажмуа Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағига бунёд қилинди. Шунингдек, шаҳарда боулинг маркази, шахмат-шашка мактаби, мусика мактаби, болалар учун аквапарк,

БУНЁДКОРЛИК — ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИ

Хар бир шаҳарнинг ўзига хос киефаси, шакл-шамойили, қурилиши, ҳаёт тарзи, тарихи, тақдири кўп йиллар давомида шаклланади.

Кўкон ҳам, айни пайтда, бир томонида қадимий мухташам ёдгорликлар — Ўрда, мадрасалар, масжидлар, бинолари билан, иккинчи томонида маҳобатли замонавий ва миллий иншоотлари билан тарих ҳамда бугунги кун уйғунлашган ҳолда кўзга ташланади. Шунинг учун уни ҳам қадимий, ҳам замонавий навоқор шаҳар сифатида эътибор этишади.

Шаҳарнинг асл тарихий киефасини яратиш жараёнида бу ерда нафақат обидалар, ёдгорликлар қайта қурилиб, таъмирланди, балки аждодлардан мерос қадриятларни тиклашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Маълумки, Кўкон азал-азалдан юртимиздаги хунармандчилик марказларидан бири бўлган. Бу ерда қадимдан мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, қулолчилик, дўппидўзлик, бадий тўқимачилик, хаштачилик каби хунармандчилик соҳалари ривожланган. Шаҳарда бунёдкорлик, қайта қуриш ишлари амалга оширилиши натижасида хунармандчиликнинг ана шу соҳалари яна қарор топди. Бу соҳаларнинг етуқ усталари, мурабийлари етишиб чиқди.

Хунармандчилик эндиликда санъат даражасига кўтарилди. Кўконлик хунармандларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотларига талаб кўнади. Бу соҳани Абдуғани Абдуллаевдек давримиз қаҳрамони пайдо бўлди.

Шаҳарда амалга оширилган эзгу ишлардан яна бири — "Дехқон бозори" ва "Кўкат бозори"нинг бугунги талаблар даражасида янгида бунёд этилиши бўлди. Халқимизда юртимиз ободчилигини, бойлигини, мўл-кўллигини, саховатини кўрмоқчи бўлсанг, бозорларига бор, деган гап бежизга айтмаган. Янги бозорлар Кўконнинг кўркамлик-кўрқ қўшиган обод масканларга айланди. Бу бозорлар озодалик, гўзаллик, кўркамлик бор жойда барока ҳам бўлиши кўрсатади.

Кўкон бугун тарихий мероси билан фахрлигини асосида ишдодатли замон билан бўйлашадиган даражада тараққий этишдан ҳам бормоқда. Шаҳарда ўндан ортиқ йирик сановат корхоналари фаолият юритмоқда. "Кўкон суперфосфат", "Кўкон ёғ-май", "Кўкон пахта тозалай", "Кўкон дон маҳсулотлари" каби

ҳиссадорлик жамиятлари ишлаб чиқариш соҳасида етакчилик қилмоқдалар. Ёхуд "Дўстлик М" Ўзбекистон — Хитой, "Факел" Ўзбекистон — Россия, "Коффа" Ўзбекистон — Франция, "Ушмобиле" Ўзбекистон — Хитой — Россия, "ЎзПолтекс" Ўзбекистон — Польша каби кўнлаб қўшма корхоналарда экспорт маҳсулотлари тайёрланмоқда. Айни пайтда, бу корхоналарнинг иншоотлари, улар томонидан яратилаётган иморатлар шаҳарнинг янги, замонавий киефасини ҳам намойиш этмоқда. Биргина "Инорама Кўкон текстил" қўшма корхонаси биноларига назар ташласангиз шаҳарнинг бугунги ҳаёти қай даражада ўзгараётганини англаш қийин эмас. Буларнинг ҳаммаси шаҳар аҳлининг келажаги, истиқболли учун хизмат қилади. Шаҳарга нисбатан латиф сўзи илгару унинг жойлашган манзилга нисбатан айтиларди, эндиликда унинг киефаси ва ҳаёт тарзида ҳам латифлик пайдо бўлмоқда. Бунёдкорлик — истиқбол йўли эканлигини кўконликлар яхши билишади.

Эъзохон АҲМЕДОВА,
халқ депутатлари Кўкон шаҳар Кенгаши депутати

Суратлар муаллифи
М.КОДИРОВ (ЎЗА)

Камол МАТЌУБОВ,
"Adolat" муҳбири

Хукукий масъалат

— Мен кишлоқ фуқаролар йиғини ранис ваифасида ишлайман. Шу боис баъзан ҳамқишлоқларимиз ФХДЭ бўлимида бериладиган у ёки бу хужжатни йўқотиб қўйганликларини айтиб, қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида маслаҳат сўрашади. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз?

Л.Мамадиева, Зангиота тумани

— Аввало, гувоҳномасини йўқотган фуқаро ўша гувоҳнома берилган ФХДЭ бўлимига мурожаат қилиши лозим. Амалдаги тартибга кўра, тузилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар фуқаронинг ўзига, вояга етмаган шахсларнинг қонуний вакилларига ёки нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома орқали бошқа шахсларга уларнинг аризаси асосида берилди. Боланинг ота-онаси бўлмаган тақдирда ёки у наслорнинг олмасан бўлса, такрорий гувоҳнома унинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки таълим олаётган муассасаси томонидан берилган фотосурати ёпиштирилган маълумотнома асосида берилди. Вафот этган шахсларга нисбатан тузилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномалар берилмайди. Зарур ҳолларда вафот этган шахснинг тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувидан кўчирма ёки далолатнома берилиши мумкин.

Никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги такрорий гувоҳнома никоҳланган шахсларнинг аризаси асосида берилди. Зарур ҳолларда уларнинг ота-оналари ва фарзандларига ариза асосида никоҳ тузилганлигини тасдиқловчи маълумотнома берилди. Агар никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзувидан никоҳдан ажралши қайд этилганлиги ҳақида бели қўйилган бўлса, такрорий гувоҳнома берилмайди. Бунда аввалги никоҳ тузилганлиги ҳақидаги далолатнома ёзуви асосида маълумотнома берилди.

Улим ҳақида такрорий гувоҳномалар марҳумнинг яқин қариндошлари ва меросхўрларига берилди.

Шунингдек, чет элда яшовчи фуқаро томонидан берилган ҳамда чет тилида тузилган ишончнома белгиланган тартибда легализация қилинган ёки апостиль қўйилган бўлиши лозим.

Берилмаган гувоҳномаларнинг юқори қисмига “Такрорий”, деган бели қўйилади. Такрорий гувоҳнома (Улим ҳақидаги гувоҳномалар бундан мустасно) берилганлиги учун давлат божи ва герб йиғими ундирилди.

Саволга Зангиота туман 1-сон ФХДЭ бўлими мудири Умида ХУСАНОВА жавоб берди.

— Фермер хўжалигини ташкил этиш ниятидаман. Шу боис кишлоқ хўжалигида шартномавий мажбуриятларни расмийлаштириш тартиби билан қизиқаяман. Шу тўғрисида маълумот берсангиз?

Ж.КАМОЛОВ, Тошкент вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низомда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан боғлиқ шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш чоралари катъий белгилаб берилган.

Унга асосан, шартномани тузиш ва уни расмийлаштиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим:

- шартноманинг мавзуси, маҳсулотнинг номи, ассортимент, миқдори (ҳажми), сифати, нархи;
- шартноманинг умумий суммаси;
- томонларнинг ҳуқуқлари ва ўзаро мажбуриятлари;
- маҳсулотларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш), топшириш-қабул қилиб олиш пунктлари ва муддатлари;
- ҳисоб-китоблар тартиби, шакли ва муддатлари, томонларнинг реқвизитлари;
- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун томонларнинг мулкий жавобгарлиги;
- низоларни, форс-мажор ҳолатларни ҳал этиш тартиби, томонларнинг реқвизитлари, шартнома тузилган сана ва жойи.

Саволга Зангиота туман 1-сон ДНИ нотариуси Абдувоситхўжа БОИСХЎЖАЕВ жавоб берди.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Давлат хизматининг барқарорлиги ва ишончлилиги мансабдор шахснинг касбий тайёргарлиги билан бир қаторда маънавий-ахлоқий фазилатларига ҳам боғлиқ. Давлат хизматчиси ўз фаолиятида қонунга риоя этиши, аҳоли билан муносабат ўрнатишда ҳалоллик, очиклик ва хушмуомалалик тамойилларига амал қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Афсуски, орамизда ҳамон бу оддий, аммо муҳим қондани хар доим ёдида сақламай-диганлар, унга амал қилмай-диганлар учраб туради.

Қобил Рамзиддинов (мақоладаги исм-фамилиялар ўзгартirilган) “Миробдтумангаз” унитар корхонасида назоратчи сифатида ишлаб юрганди. У вақти-вақти билан ўзига бириктирилган маҳаллаларни айланиб, аҳолини газ қарздорлиги бўйича тўловларни тўлашга чорларди. Табиий газни казиб олишдан тортиб, магистрал қувурлар ўтказиш, зарур техника ва технологияни янгилаш, хуллас, истеъмолга тайёр ҳолга келтириш учун давлат ваъзасидан озмуноча маблағ сарфлангани, ахир? Истеъмолчи, яъни аҳоли ёки ташкилот ва муассасалар маъсуллари фойдаланилган газ учун тўловни вақтида амалга ошириш иқтисодиётнинг бир маромда ривожланишида қанчалик муҳимлигини тушуниб етиши лозим.

Қобил Рамзиддинов зиммасидаги маъсулият қанчалик юксак эканлигини ич-ичидан хис қилса-да, ўзининг фуқаролик мажбуриятини тўлиқ англаган, тўловларини ўз вақтида амалга оширишга шай турган фуқаролар томонидан нақд пул маблағи олиб чиқиб берилганда, мақсадни бутунлай ўзгариб, шайтон етовнига юрганиши билмай қолди.

Миробод тумани, Мироншоҳ кўчасида истикомат қилувчи фуқаролардан бири — О.Суллова газтаъминот

ходимига салкам 500 минг сўм олиб чиқиб, газ ҳақи тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияга эга бўлди. Бироқ ўшанда фуқаро берган пули ўз ҳисоб рақамига эмас,



Урганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Қ.Рамзиддинов О.Сулловани ҳар 2-3 ойда йўқлаб келар, пулини олиб, квитанция бериб кетар, аслида эса пуллари ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборар эди. Шу аснода Қ.Рамзиддинов О.Сулловага жами 1.882.000 сўм миқдорида моддий зарар етказгани маълум бўлди.

балки “газчи”нинг киссасига бориб тушишини ҳаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Урганган кўнгил ўртанса қўймас деганларидек, Қ.Рамзиддинов О.Сулловани ҳар 2-3 ойда йўқлаб келар, пулини олиб, квитанция бериб кетар, аслида эса пуллари ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборар эди. Шу аснода Қ.Рамзиддинов О.Сулловага жами 1.882.000 сўм миқдорида моддий зарар етказгани маълум бўлди.

Иш юзасидан жабрланувчи О.Сулловага етказилган моддий зарар суммаси суд жараёнида тўлиқ қопланди. Суд Қобил Рамзиддиновни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-

моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топди ва 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Шу билан бирга, суд ушбу кодекснинг 45-моддасини қўллаб, икки йил муддат давомида газдан фойдаланиш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилот (корхона)ларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилди.

Кези келганда таъкидлаш лозим, бу вазиятда ҳуқуқбузар нафақат биргина фуқаро, балки ўзи фаолият юритаётган давлат ташкилотининг ишончини ҳам суиистеъмол қилган. Энг ёмони, “Миробдтумангаз” хизматчилари орасида бу каби фирибгарликлар, яъни ўзганинг мулкни алдаш ва ишончини ҳам суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш одати худди юқумли касаллик сингари кенг тарқалганда.

Йўқса, юқорида исми келтирилган жабрланувчи О.Суллова биргина Қ.Рамзиддиновдан зарар кўрган бўларди. Гап шундаки, О.Суллованинг “Миробдтумангаз” унитар корхонасидаги “қарздорлик туфайли” газни узиб қўймоқчи бўлади. Ана шунда фуқаро Қ.Рамзиддиновга тўлаган пуллари ўз ҳисоб рақамига “бориб тушмагани”ни тушуниб етди.

Албатта, жабрланувчиларга етказилган моддий зарар қопланди. Жиноятчилар ўз қилмишига яраша жазосини олди. Бироқ масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътибор қаратмасликнинг иложи йўқ. Ачинарлиси шундаки, юқоридагиға ўхшаш фирибгар мутахассислар туфайли аҳолининг давлат ташкилотларига, уларда фаолият юритаётган ҳалол ходимларга бўлган ишончига пугур етиши мумкин.

Бобур ИНОҒОМОВ, Тошкент шаҳар Миробод туман суди судьяси, Саодат СОДИҚОВА, «Adolat» мухбири

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

Хонада учта одам — ота, она ва ўғил суҳбатлашмоқда. — Келиннинг никоҳга оқ рангли “лимузин” машина олиб келасиз, деб шарт қўйди. Бошқа машина бўлмас эмиш, — гап бошлади ўғил. — Кўнглинг тўқ бўлсин, ўғлим, тўй куниси айтган машина хизмат қилади, — деди ота.

— Дада, келиннинг тўй кунига эмас, никоҳдан ўтадиган кунимизга шундай машина талаб қилаётибди, — изох берди ўғил. — Қуда хола тўй шаҳар марказидаги катта тўйхонада бўлса дебди, — гапга аралашди она. — Шаҳар марказидаги тўйхонанинг нархи қанча эканлигини хотин кудан билармикан? Тўй қайси тўйхонада ўтшининг нима фарқи бор? Қолаверса, бундай машинанинг хизмат ҳақи соатига фалон пул турса, олдинда тўй. Бирров никоҳдан ўтши учун бундай машина шартмикан? Умуман, бундай машмашалар қаердан пайдо бўлаётибди?! — Бу тўйхона қудаларингизнинг обрўсига тўғри келмасмиш. Яқинларини бу ерга олиб келишга уялармиш... Орага норозилик тушмасин, дадаси. Пул топилар, дўстлардан қарз сўрармиш, — маслаҳат берди она. — Аввал никоҳдан ўтиб, кейин дугоналари, дўстлари билан бундан ресторанда нишонлар эканмиш. Келиннинг дугоналарига ана шундай машинада борамиз деб ваъда бериб қўйибди. Бўлмаса, тўй тўхатилармиш...

Бу воқеа айнан қаерда бўлиб ўтгани номаълум, лекин шу ва шунга ўхшаш ҳолатлар тўйга тайёргарлик кўраётган ҳар бир хонадонда юз бериши шубҳасиз! Тўй... У ҳар бир халқ, миллат ҳаётида ниҳоятда азиз, бахт-қувонч олиб келадиган, инсонларни бир-бирларига яқинлаштирадиган, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган, одамларни яқинликка ундайдиган, шодлик бағишлайдиган маросим ҳисобланади. Одатда, тўй жамоатчилик иштироки билан ишонланадиган тантана бўлса ҳам, уни ўтказиш базм уюштираётган бир ёки икки оиланинг ўз маблағи, иқтисодий шароити ва бошқа молиявий имкониятларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бошқача айтганда, тўй, маросим ўтказиш ҳар бир оиланинг шахсий иши. Лекин бу жараёнда тўй ёки ма-

росим эгаси амал қилиши зарур бўлган бир ҳолат бор. Маълумки, тўйларни, маросимларни ўтказиш билан боғлиқ тартиб-қондалар ҳар бир миллат ёхуд халқнинг кўп асрлар давомида шаклланган урф-одатлари, анъаналари, бошқа ўзига хос жиҳатлари, дейлик, даврининг талаблари, ўзгаришлари, янгиликлари билан уйғунлашган ҳолда юзага келган. Демак, тўй ёки маросим эгаси ана шу тартиб-қондаларга амал қилади. Бироқ тўй ва маросимларимиз ҳамма вақт ҳам меъёрида, энг яхши анъаналаримизга, урф-одатларимизга асосланган ҳолда ўтказилавермайди. Уларни ўтказишда баъзан ҳалдан ошиб исрофгарчиликлар, баъзи ҳолларда дабдабозлик, шухратпарастликлар, айрим пайтларда тўй ва маросим ўтказётган оилалар ўртасида юқоридаги каби ўзаро келишмовчиликлар ҳам учраб туради. Бу эса тўй ва маросимларда кейинчалик шу каби иллатларнинг пайдо бўлишига йўл очиб беради. Натيجида бир-бири оиланинг тўй ва маросим билан боғлиқ масалалари баъзан жамият ёки умуммиллат муаммосига айланади.

Эътибор берганмиш, халқ оёқзани иккидони намуналари бўлган аксарият эртак ва дostonларимиз “кирк чекачо кирк қундуз тўй бериб, мурод-максад-


ларига етдилар”, деб яқунланади. Албатта, бу эртакдаги гап. Лекин эртақлар шунчаки тўқилмайди. Улар ҳаётнинг бадий инъикоси сифатида яратилди.

Шундай экан, келинг, тўйларимизга, хусусан, никоҳ тўй билан боғлиқ маросимларга эътибор берайлик. Бу тўй маслаҳат ошидан бошланади. Кейин унаштириш, фотиха тўйи, хайитлик, тўй жуъатиши, келин ва куёв томонда алоҳида тўйлар, тўйдан сўнг юз очди, келин салом, келин кўрди, сеп йиғиш, чорлар ва бошқа маросимларга уланиб кетади. Албатта, бу маросимларни ўтказиш 40 кунга қўзилмаслиги мумкин, аммо уларни беш-олти кунда ўтказиб бўлмаслиги ҳам аниқ. Шу сабабли аждодларимиз қадим-қадимдан дабдабозлик, исрофгарчиликни келтириб чиқарадиган, ортикча сарф-харажатни кўпайтирадиган бундай маросимозликларга қарши турганлар. Ислом динида ҳам ортикча маросимозликларга қарши турганлар. Буюк алломаларимиз пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг “Никоҳ тўйида бир кун таом бериш суннат, икки кун таом бериш исрофгарчилик, уч кун таом бериш риёкорликдир”, деган сўзларини энг саҳиҳ ҳадис сифатида келтиришлари бежиз эмас.

Шунинг учун XX аср бошларида яшаган маърифатпарвар адиб Абдулла Авлоний “Бизни илмсизлик, тарбиясизлик, тўй деб мингларча ақчаларни беҳуда исроф этмаклик оғир аҳволга солди. Ағниё ва сарватдорларимиз тўй пойгаси қилиб, фақир ва камбағалларимиз бор-йўқларига қарамасдан уйлари, боғларини, тўнларини сотиб тўйга сарф қилмақадурлар. Тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотишдан тоймайинган, истикболини ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак?”, дея надомат билан ёзганди. Бу иллатлардан қутулмоқ йўларини излаган эди. Афсуски, бу иллатлар кейинги даврларда ҳам барҳам топмади.

Тўй ва маросим ўтказувчиларга четдан туриб тўйни ундай ўтказиш, маросимни бундай нишонлаш керак, деб маслаҳат бериш осон. Лекин бу ишларни меъёрида, ҳаммага манзур бўладиган даражада амалга ошириш қийин. Чунки ҳар бир тўй ва маросим одамларнинг қанча иштирок этиши, унга сарфланадиган маблағ миқдори ва бошқа оиланинг оруз-умидларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу масаланинг бир томони. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор.

Айтилик, тўйда ҳамма нарса ни мўлк-қўл қиламан деб озиқ-овиқат, нон ва бошқа маҳсулотларни исроф қилаётганларни ёки мен фалончидан ошириб



солди. Ағниё ва сарватдорларимиз тўй пойгаси қилиб, фақир ва камбағалларимиз бор-йўқларига қарамасдан уйлари, боғларини, тўнларини сотиб тўйга сарф қилмақадурлар. Тўй деган ерда муқаддас Ватанини сотишдан тоймайинган, истикболини ўйламаган ва болаларининг саодатини тушунмаган бир қавмдан қандай тараққий, маданият ва маърифат кутмак керак?”, дея надомат билан ёзганди. Бу иллатлардан қутулмоқ йўларини излаган эди. Афсуски, бу иллатлар кейинги даврларда ҳам барҳам топмади. Тўй ва маросим ўтказувчиларга четдан туриб тўйни ундай ўтказиш, маросимни бундай нишонлаш керак, деб маслаҳат бериш осон. Лекин бу ишларни меъёрида, ҳаммага манзур бўладиган даражада амалга ошириш қийин. Чунки ҳар бир тўй ва маросим одамларнинг қанча иштирок этиши, унга сарфланадиган маблағ миқдори ва бошқа оиланинг оруз-умидларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳам ҳисобга олиш керак. Бу масаланинг бир томони. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Айтилик, тўйда ҳамма нарса ни мўлк-қўл қиламан деб озиқ-овиқат, нон ва бошқа маҳсулотларни исроф қилаётганларни ёки мен фалончидан ошириб

тўй қилолмайманми, деб маблағни бекорга сувраётганларни, тўйни дабдабозликка айлантираётганларни ва бошқа шу каби иллатларни келтириб чиқараётганларнинг қилмишларини оқлаб бўладими?! Ёхуд орамизда энди тўқинчилик замони дея ўғли ёки келин тўйи кунда машина, уй-жой, дала ховли, қимматбаҳо тақинчоқлар ҳақида хусндаги доддек хамон учрайтиш.

Ҳаёт тараққиёт этгани сайин тўй ва маросимларни ўтказишда ҳам янгила-нишлар, ўзгаришлар юзага келмоқда. Бундан 15-20 йил илгартиги тўйларни кўз олдимизга келтирайлик. Улар тўй эгасининг хонадонига, ховлисида,

Биринчи мақола

ховли торроқ бўлса, уй олдидаги кўчада ёки яланликда, кишлоқларда эса далаларда ўтказиларди. Бундай тўйларга сарфланадиган маблағ, харажат кам бўларди, лекин уни ўтказишда ташвиш кўп эди. Эндиликда тўйлар ресторандарда, махсус тўйхоналарда ўтказилмоқда. Кейинги йилларда нафақат шаҳарларда, туманлар марказлари, кишлоқларда ҳам мухташам тўйхоналар барпо этилди. Бу тўй ва маросим эгаларини ортикча ташвишлардан халос қилди. Тўйлар ниҳоятда тартиб билан уюшган ҳолда, югур-югурлардан холи, маданий жиҳатдан юксак савияда бўлиб ўтмоқда. Шу билан бирга, тўйларнинг мухташам қоначаларда ўтказилиши сабабли маросимозликлар бир қадар озайдди. Никоҳдан ўтши, келин салом, келин кўрди, чорлар каби аввал алоҳида-алоҳида бўладиган маросимлар энди бахт тўйи билан биргаликда ишонланадиган бўлди. Олдингидек исрофгарчиликларни келтириб чиқарадиган тоғоразобликлар қамайди. Булар, албатта, яхши. Лекин улар ўрнига эндиликда бошқа бир ташвиш пайдо бўлмоқда. Тўйларга сарфланадиган маблағ харажат миқдори ошиб бормоқда. Бугунги кунда тўйхоналарнинг хашамдорлиги, хизмат кўрсатиш даражаси ва бошқа жиҳатларига қараб ҳар бир тўй учун 10 миллион сўмдан 50-60 миллион сўмгача маблағ сарфланмоқда. Бу эса тўйларнинг турди даражага бўлишини юзага келтирмоқда. Хозирги кунда тўйлар қандай ўтганига эмас, қаерда, қайси тўйхонада нишонланганига, унга қанча миқдорда маблағ сарфланганига қараб баҳо берадиган бўлиб қолаётимиз, шекилли.

Бошқача айтганда, тўйларимиздаги аввал мавжуд исрофгарчилик, маросимозлик каби иллатлар ўрнига энди ортикча маблағ сарфлаш, шу орқали ўзини кўрсатиш, дабдабозлик, шухратпарастлик сингари иллатлар эгалламоқда. Ҳўш, бу иллатларнинг илди-зи қаерда? Нега шундай ҳолатлар пайдо бўлмоқда? Бу ҳақда иккинчи мақола-мизда тўхталиб ўтамиз.

Қамол МУҲАММАД ЁҚУБ

АСРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МЎЪЖИЗАСИ

ТОҒ БАҒРИДАН ОЛТИН ВОДИЙГА ЙЎЛ ОЧДИ

➤ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА

Хар қандай давлат тараққиётида темир йўл тармоғининг ривожланганлиги муҳим аҳамият касб этиши исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Айниқса, жуғрофий жиҳатдан денгиз йўлларига чиқиш чекланган Ўзбекистондек мамлакат учун мазкур соҳага эътибор қаратиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу боисдан, республикамуз мустақилликка эришгач, темир йўл коммуникация тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди ва уларнинг ижросини таъминлаш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва шохланмоқда.

Халқимизда йўл қурганинги йўли очик, деган ҳикмат бор. Бу ҳикмат мустақиллик йилларида бутунлай янги маъно касб этгани ва амалда ўз исботини тоғани бугун барчага аён. Бунинг бугунги кунда катта истикболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қаралётган, транспорт-коммуникация соҳасида яна бир йирик ишотдан — Ангрэн—Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғининг қурилиши мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Қурама, Чотқол тоғларининг қок ўртасидан кесиб ўтган Қамчиқ довонида темир йўл қурилиши қаҳрамонлик билан баробар.

Бундан бор-йўғи 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса ҳеч ким ишонмасди. Бонси, ушбу ҳудуднинг баланд тоғ қоялари, чуқур сойликлари, насту баланд адирлари ўзга поездлар қатновини йўлга қўйиш ақлга ситмас иш эди-да!

Ҳа, ҳеч иккиланмай, ғурур ва ифтихор билан мустақиллик йилларида мамлакатимиз темир йўл тизимида амалга оширилган юқоридаги каби лойиҳаларни истиклол нафасидан баҳраманд бўлган бунёдкор халқимиз томонидан яратилган буюк мўъжизаларга қисқаш мумкин. Янги қурилатган пўлат излар хавфсиз ва раволини, замонавийлиги, халқаро талабларга тўла жавоб бериши, айни пайтда, салобат ва маҳобати билан киши ақлини дол қолдиради. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юқоридан келган йўлчиликнинг салмоқли қисми темир йўл транспорти орқали ўз манзилига етказилмоқда. Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти таркибида бугунги кунда 70 минг нафардан зиёд ходим фаолият юротида. Кейинги йилларда тармоқда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик темир йўл реабилитация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, 1 минг 100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишлар натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги ҳозирги кунда 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамузнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Йилдан-йилга юк ва йўловчи ташиш кўрсаткичлари ортаётгани соҳанинги жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради. Компания ташкил топган кундан бошлаб шу даврга қадар юк ва йўловчи ташиш айланмаси 2 баробарга ошди. 1,46 миллиард тонна юк ташилди ва 425 миллион йўловчи ўз манзилга етказиб қўйилди. Бу ўзини одамларимизнинг темир йўл транспорти турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартираётганидан далолат бермоқда.

Юртбошимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрэн—Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тизим ҳаётида янги даврни бошлаб берди. Ушбу қарор мамлакатимизда темир йўл транспортини янада тараққий эттириш билан бирга мустақиллик йилларида бунёдкор халқимиз эришаётган юксак марраларни янги босқичга кўтаришга ҳам хизмат қилади.

Мазкур ҳужжат асосида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда мураккаб шароитдаги йирик ишотот қурилиши жадаллик билан олиб борилди. Янги лойиҳага биноан барпо этилган “Ангрэн—Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясининг ишга туширилиши эвазига мамлакатимизда ягона миллий темир йўл тармоғи вужудга келди.

Очиғини айтганидан бўлса, бир пайтлар шундай мўъжизалар рўй бериб, Қамчиқ довонидан темир йўл ўтишини, поезд қатновини йўлга қўйишнинг хаттоки тасавурумизга ҳам ситмасди.

Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда жойлашган Қамчиқ довони бўйлаб қурилган

ған “Ангрэн—Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясининг барпо этилишини ҳеч иккиланмай аср мўъжизалари қаторига қўйиш мумкин. Лойиҳа доирасида бунёд этилган тоннел қурилишининг сифати мутахассисларнинг доимий эътиборида бўлди. Мустақил Хамдўстлик Давлатлари орасида кўрсаткичлар борасида тенгсиз ҳисобланган мазкур ишототи жаҳон миқёсида танилган Хитойнинг “China railway tunnel group” компанияси қуриб фойдаланишга топширди. Мазкур янги темир йўл йўналишида хавфсизлигини таъминлашнинг кўп жиҳатдан ушбу тоннелга боғлиқ. Шу боисдан, ушбу жараёнда бажарилган ишларнинг халқаро амалиётда қабул қилинган метр ва стандартлар талабларига мувофиқлиги Германиянинг “DB International GmbH” компанияси мутахассислари томонидан назорат қилиб борилди. Компания бош маслаҳатчиси Якоб Шоннинг эътирофи эътиборда, мазкур лойиҳа сифатли бажарилган. Тоннелнинг иккала томонида амалга оширилган ишлар бунинг аққол намоян эътибориди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг тажрибали мутахассислари, темир йўл қурувчилари, кўприкчилари томонидан тоннелнинг шарқий ва ғарбий йўлакларига бўлган масофада пўлат излар қисқа муддатларда сифатли қурилиб, электрлаштириш ишлари поёнига етказилди.

Кези келганда айтиб ўтиш жоизки, “Ангрэн—Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши лойиҳасининг мураккаблиги бўйича дунё миқёсида биринчи 8 таликдан, лойиҳа доирасида қурилатган тоннел узунлиги бўйича биринчи 13 таликдан жой олган. Албатта, бу мўъжизавий, улкан қурилиш келгусида нафақат юртимиз ёки Марказий Осиё давлатларини, балки дунёнинг йирик мамлакатларидан бири ҳисобланган Хитой Халқ Республикасининг ҳам Европа Иттифоқидан бошқа мамлакатлар билан темир йўл орқали ҳамкорлик ўрнатишида муҳим ўрин тутди. Энг асосийси, юкларни ташиш харажатлари бир неча баробар арзонлашади, уларни етказиб бериш муддати эса икки баравар қисқаради. Яна бир муҳим жи-

ҳати, ушбу лойиҳа амалга оширилиши натижасида минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Бир сўз билан айтганда, Ангрэн—Поп оралиғида электрпоездлар юра бошлагач, мамлакатнинг яхлит ва ягона темир йўл тизими шаклланиши яқунланди. Шунинг баробарида йўловчилар ва юкларни ташишдаги қатор муаммолар бар-

бориш имкониятига эга бўлди. Ангрэн—Поп электрлаштирилган темир йўлининг мамлакатимиз равнақига қўшадиған ҳиссаси шундаки, бу йўл Хитой—Марказий Осиё—Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади. Қўп асрлар давомида мудраб ётган тоғлар қаърида қолиб келаётган бой ер ости минерал ресурсларини ва бошқа сифатли, қимматбаҳо фойдаланиш имкониятларини ўзлаштириш учун катта имкониятлар очиб беради. Иқтисодий тараққиётнинг белгиси бўлиши қурилиш ва саноат, транспорт ва алоқа хизмати соҳаларини ривожлантиришга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, умуман, янги-янги маданий ўчоқлар очилишига, ҳаётини жонлантиришга, унинг суръатларини тезлаштиришга мустахкам замин яратди. Ўзбекистоннинг чет давлатларга чиқиш ва экспорт имкониятини, шу билан бирга, мамлакатимизнинг транзит ролини кенгайтириш борасидаги салоҳиятини кескин оширади.



“Ангрэн—Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси қурилиши лойиҳасининг мураккаблиги бўйича дунё миқёсида биринчи 8 таликдан, лойиҳа доирасида қурилатган тоннел узунлиги бўйича биринчи 13 таликдан жой олган.

ҳам тоғли. Бу эса биринчи навбатда водий вилоятлари иқтисодиётини янада барқарор ривожлантиришга қўмаклашади. Чунки Ўзбекистонда ички юкларнинг олтидан, экспорт-импортнинг эса саксон фоизи айнан темир йўл транспорти зиммасига тўғри келади. Шу жиҳатдан олганда, йилга тўрт миллион тонна юкни қайта ишлай оладиган “Поп логистика маркази”нинг барпо этилиши катта аҳамиятга эга. У “Ангрэн логистика маркази” билан биргаликда водийга келадиган ва бу ердан жўнатиладиган юклар оқимини оқилона йўналтиришга хизмат қилади.

Ушбу темир йўл тармоғи Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан ишончли тарзда чет эллик меҳмонлар замонавий электр поездларда Тошкентдан Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларига, водийдан мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ҳеч бир қийинчиликсиз

Вақт бир ерда тўхтаб турмайди. Орадан кун, ҳафта, ой, йиллар, замоналар ўтади. Лекин мана шундай бекиёс мўъжизалар яратишга қодир бўлган халқимизнинг меҳнат жасорати, Ватанга муҳаббат ва садокати, нанкин ўзини, келгуси авлодларининг ҳам манфаатини ўйлаб бажарган буюк ишлари халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин тилсоли сифатида тилларда дoston, келгуси насаларга намунга бўлиб қолади.

Эркин ва обод юртимизда амалга оширилган бекиёс ишлар бугун кўпчилигининг ҳавасини келтираётганини сир эмас. Қатор соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар ҳаммамиз учун бетакрор ва ягона бўлган она Ватанимизнинг нуфузини ошириш, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга хизмат қилиш билан бирга халқимизнинг фаровон турмуши, бахтли ҳаёт кечирини ҳам таъминламоқда.

Ўзбекистон дунёдаги бахтли мамлакатларнинг олдинги сафларидан ўрин эгаллаб, рейтинг кўрсаткичларини юқори поғоналарга кўтармоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораёпти. Иқтисодиётдаги юксалишлар, шаҳаро қишлоқларимиз қиёфасига янгича рух, чирой бағишлаётган бунёдкорликлар изчил давом эттирилмоқда. Кенг қўламли бу ишлар, айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган темир йўл транспортини ривожлантириш соҳасида ҳам ўз самарасини бермоқда. Юқорида баён этган фикрларимиз ҳам бунинг яққол исботидир.

Ташпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати

➤ СОЛИҚ ПОЧТАСИДАН

Президентимиз раҳнамолигида ёш тадбиркорлар сафини кенгайтириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур имтиёз ва қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёш тадбиркорлар сафи кенгаймоқда

Ёшларнинг истиқболли ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, авваламбор касб-хунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш ҳамда янги иш ўринларини яратиш бугунги кунда муҳим вазифалардан биридир.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янада жадаллантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фармонга асосан 2015 йил 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, хар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда сугурта бадал ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорда солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчинини ёллаш ҳуқуқи берилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежин битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланган ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилди.

Юнусобод туманида яшовчи Дилноза Мамасодиқова қўли гул тикувчилардан. У 2015 йилда касб-хунар коллежини тамомлаб, тадбиркор сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Миллий ва замонавий услубдаги либослар тикши билан шуғулланадиган хунармайд “устоз-шоғирд” анибаси асосида тенгдошларига ўз хунари сирларини ўргатишини ҳам самарали йўлга қўйган.

— Мамлакатимизда ўқийман, оиламга, юртимга наф келтирман деган киши учун барча шароитлар яратилган. — дейди ёш тадбиркор Дилноза Мамасодиқова. — Мен ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бугунги кунда ўз бизнесимни йўлга қўйдим.

Навқирон авлод вақиллари эришаётган бундай ютуқларга яна қўйлаб мисоллар келтириш мумкин.

Камол ДАДАБОВЕВ,
Юнусобод тумани ДСИ жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлим бошлиғи

➤ ХАБАРЛАР

Тошкент шаҳрида Мустақилликнинг 25 йиллиги арафасида 50 ободлик қуни акцияси эълон қилинди.

Байрамга тайёргарлик ободликдан бошланади

“Тўғал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шiori остида кенг ишонланадиган энг улуг, энг азиз айёмга тайёргарлик қўриш доирасида пойтахтимиздаги 11 туманининг хар бирида 25 та қўча ободлаштирилиб, 25 та болалар ўйингоҳи бунёд этилиши режалаштирилмоқда.

— Мустақиллик арафасида пойтахт аҳли ва меҳмонлари маҳаллардан, жамоат жойларида тозаликни сақлаш, боғлар яратиш, дам олиш майдончаларини ташкил этишга ҳисса қўшишса, шаҳримиз чиройига чирой қўйиш борасида дахлдорлик ҳиссини юқори даражада намоян этишса, нур устига аъло нур бўлар эди, — дейди Тошкент шаҳар Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Фуқрат Маҳмудхўжаев шаҳар ҳокимлигида ўтказилган брифингда. — Зеро, обод жойда барака, унум бўлади.

Шошилич тиббий ёрдам хизмати — аҳолига энг яқин қўмакчи

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан аҳоли саломатлигини сақлашда шошилич тиббий ёрдам хизматининг аҳамияти мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, ҳозирда Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг жойлардаги 12 та минтақавий филиали, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари кошда 173 та субфилиал фаолият кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда шошилич тиббий ёрдам хизматининг шифохоналарида жами 8459 та бемор ўринлари мавжуд бўлиб, хар йили ўрта ҳисобда 2 миллион нафар беморлар стационар шароитда, 6,8 миллион нафар беморларга амбулатор шароитда шошилич тиббий ёрдам кўрсатилади. — деди Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Хожиев. — Шунингдек, 20 га яқин жарроҳлик заларида эса йилга 13 мингдан зиёд барча йўналишдаги мураккаб жараҳатли амалиётлари ўтказилмоқда.

Матбуот анжуманида шошилич тиббий хизмат кўрсатувчи мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида ҳам маълумот берилди.

➤ БОЖХОНА БЕКАТИ

Республикамуз ҳудудидан ноёб ва маданий бойликларнинг олиб ўтилиши тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 23 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши масалаларини тартибга солиш тўғрисида”ги 131-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, унга мувофиқ хорижий фуқаролар ва бошқа шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига вақтинча олиб кирилган маданий бойликлар тегишли божхона ҳужжатларида (хусусан, йўловчи божхона декларациясида) кўрсатилиши керак.

Тожикистондан республикамузга кириб келган хорижий фуқаролардан бирининг мазкур тартибларга риоя қилмаслиги қимматга тушди. “Сариосиё” чегара божхона комплекси орқали автотранспорт воситасида кириб келган йўловчи божхона декларациясини тўлдирар экан, ёнидаги барча буюмларни декларацияда қайд этганини маълум қилди. Шунингдек, божхоначиларнинг озаки сўрови пайтида ҳам ёнида ортиқча буюмларни йўқлигини қайта-қайта таъкидлади.

Шундан сўнг унга тегишли автотранспорт воситаси ўрнатилган тартибда ва ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганда, машина салонига 20 дона қадимий тангалар яширилганлиги маълум бўлди.

Яширин тарзда олиб ўтишга уриниш чоғида фош қилинган ушбу тангалар Сурхондарё вилояти бадий экспертиза мутахассисларининг хулосасига кўра, миллодан аввалги IV-

III, миллодий I-III ҳамда XIII-XIV асрларга оид бўлиб, уларнинг ҳозирги қиймати 12,2 миллион сўмга баҳоланган.

Давлат эғалигига ўтказилган мазкур тангалар Сурхондарё вилояти археология музейи фондидан жой олди.

Термиз аэропортида ҳам божхоначилар 26 дона тарихий тангалар яширин равишда олиб чиқилишини бартараф этишди. Ушбу вилоятда истиқомат қилувчи фуқаро Москвага йўл олар экан, ўзи билан степлер — қанчлерия буюмини ҳам олиб кетаётганлиги бир қарашда шубҳали туюлиши, табиий! Ушбу шахсага тегишли юкларни назорат-рентген аппаратидан ўтказиш вақтида, степлер тасвирининг экранда шубҳали акс этиши божхоначиларни ушбу матоҳни синчиклаб текширишга ундади.

Натижада степлер ичига турли тасвирлар туширилган ва хар хил ҳажмдаги 26 дона қадимий тангалар яширилганлиги аниқланди. Сурхондарё вилояти бадий экспертизаси хуло-

Иқтисодий ИШҚИВОЗЛАРИ

сасига кўра, мазкур мис ва қумуддан ишланган тангалар тарихда юртимиз ҳудудда вужудга келган Қушон, Юнон-Бактрия, Қорқонийлар ва Бухоро хонлиги давлатларида муомалада бўлган. Уларнинг бугунги кундаги қиймати экспертлар томонидан 70 миллион сўмга баҳоланган.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан божхона текшируви ва суриштирув жараёнлари давом этмоқда.

Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати

МУБОРАК РАМАЗОН ХАЙИТИ —
ЭЗГУЛИК, ШУКРОНАЛИК, МЕХР-ОҚИБАТ БАЙРАМИ


ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июлдаги "Рамазон хайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори муборак Рамазон ойини кўтаринки руҳда ўтказиб, эмин-эркин ибодатда бўлган барча юртдошларимизни беҳад мамнун этди.

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, муборак Рамазон хайитининг маънавий ҳаётимизда эзгулик, шукроналик, меҳр-оқибат каби олижаноб қадриятларни қарор топтиришдаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Юртбошимиз раҳнамолигида миллий-диний анъаналаримиз асраб-авайланиб, удуғланиб келинмоқда. Маънавий қадриятларимиз юксалмоқда. Мазкур қарор бу борадаги эзгу ишларнинг узвий давомидир. Юртдошларимиз Рамазон хайитини муносиб тарзда, кўтаринки кайфиятда ўтказишлари учун дастуриламал бўлиб хизмат қилган бу қарорга Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2016 йилда Рамазон хайитининг биринчи куни 6 июль, чоршанба кунига тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини эътиборга олиб, 2016 йил 6 июль дам олиш куни деб белгилангани нафақат мўмин-мусулмонлар, балки мамлакатимизда истиқомат қилувчи 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакилларига ҳам катта қувонч бағишлади. Муборак айём юртимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Аллоҳга беадаб шукроналар бўлсинки, ушбу ойнинг интихоси ўлароқ муборак хайит байрамидини тинчлик, меҳру оқибат, ўзаро ҳамжихатлик, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда, кўтаринки кайфият билан ўтказдик.

Муборак ой бошланиши арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Бундан барчамизнинг кўнглимиз хушнуд бўлганди. Зотан, қарорда Рамазон ойининг жойларда тар-



тимиздаги осойишталик сабаб бўлаётгани, бунинг учун аввало, Яратганга беҳисоб шукрлар айтишимиз, қолаверса, тинчлик, барқарорликнинг

роқ муқаддас китобларда Рамазонда қилинадиган ҳар қандай эзгу амаллар, жумладан, хайру саховат ишларига ҳам бошқа ойлардагидан кўра, бир неча ҳисса кўпроқ ажр берилиши қайта-қайта таъкидланади, шунга кўра кишиларда бу айда савобли ишларни ҳар қачонгиданда кўпроқ қилишига интилиш майли янада ортади. Бир ой давомида фақат яхши ниятда, яхши амалда бўлган кишиларнинг рўзадан кейинги ойларда ҳам бундай яхшиликларда бардавом бўлишлари табиийдир.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, бу йилги Рамазон хайити "Соғлом она ва бола йили"да нишонлангани янада қувончлидир. Чунки давлатимиз томонидан она ва бола саломатлиги ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрни юқори эканини инобатга олиб, уларга катта раҳм-раҳиқат кўрсатилмоқда. Ушбу муборак кунларда соҳа мутахассислари, хусусан, имомхатиблар, уламолар томонидан юртдошларимизга она ва бола ўртасидаги тарбия ва муомала муносабатлари, бу икки нозик хилқатнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан саломатлиги жамият тараққиётининг асосий омил экани том маънода етказилгани ҳам аҳамиятлидир.

Муборак Рамазон хайити "Соғлом она ва бола йили"да нишонлангани янада қувончлидир. Чунки давлатимиз томонидан она ва бола саломатлиги ҳамда жамият ҳаётида тутган ўрни юқори эканини инобатга олиб, уларга катта раҳм-раҳиқат кўрсатилмоқда. Ушбу муборак кунларда соҳа мутахассислари, хусусан, имомхатиблар, уламолар томонидан юртдошларимизга она ва бола ўртасидаги тарбия ва муомала муносабатлари, бу икки нозик хилқатнинг ҳам руҳан, ҳам жисмонан саломатлиги жамият тараққиётининг асосий омил экани том маънода етказилгани ҳам аҳамиятлидир.

Муқаддас китобларда Рамазонда қилинадиган ҳар қандай эзгу амаллар, жумладан, хайру саховат ишларига ҳам бошқа ойлардагидан кўра, бир неча ҳисса кўпроқ ажр берилиши қайта-қайта таъкидланади.

Яратганга шукроналар бўлсинки, бу йилги фазилатли онлар, раҳмат ва мағфират ойи — Рамазон шариф дийримизда ҳар қачонгиданда файзли ва тароватли ўтди. Кундузлари соим (рўздор) бўлган юртдошларимиз, кечалари қоим бўлиб жомеъ масжидларимизда тарових намозларини хотиржам адо этишди. Дуолар мустажаб бўладиган ғанимат лаҳзаларда юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўқиллигини сўраб, дуолар қилишди.

тибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегшли тadbирларни амалга оширишга қатор мутасадди ташкилотлар жалб этилганди. Буларнинг барчаси халқимизнинг хурсандчилигига янада хурсандчилик бахш этди. Мазкур қарорда ўз ифодасини топган эзгу ишлар Рамазон ойи дийримида янада шуқухли ва кўтаринки руҳда ўтишига асосий омил бўлиб хизмат қилди. Албатта, бугунги эмин-эркин ибодат қилишимизга мамлака-

қадри қанчалик муҳимлигини ҳар бир киши чин дилдан ҳис этмоғи зарур.

Маълумки, Рамазон шариф катталарга ҳурмат, кичикларга иззат ойи ҳамдир. Шунингдек, бу ой халқимиз ардоқланган саховат, меҳр-муруват каби асрлар оша амал қилиб келаётган бобомерос қадриятларимизга алоҳида эътибор қаратиладиган ойдир. Албатта, бундан хайр-саховат фақат шу айда қилиниши керак, деган маъно чиқмайди. Яъни, саховат мавсумий қадрият эмас. Би-

Мухтарам юртдошлар! Хайит байрамига соғ-омон етиб келиб, юртимиз бўйлаб кенг нишонлаганимиз учун Аллоҳ таолога шукрона айтиб, янада ҳамжихат бўлиб яшашга интилайлик. Яратган парвардигор барчамизнинг хонадонларимизга, жонажон юртимиз Ўзбекистонга тинчлик-хотиржамлик, қут-барақа ато қилсин, бошимиз узра меҳр-оқибат ва илму маърифат нурлари ёғилаверсин.

Абдуразаққожи ЮНУСОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари

ASAKA BANK
ХУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«АСАКА» БАНК
яқинлашиб келаётган «Мустақиллик куни» байрами муносабати билан миллий валютада қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
«МУСТАҚИЛЛИК-25»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар айда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларни қулай шартларда таклиф этади.
Барча омонатларнинг Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.
«Асака» банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ИНШОЛАР ТАНЛОВИГА

Ватан!.. Бола ўз ота-онасини қандай суйса, ҳар бир инсон ўз Ватанини ҳам шундай яхши кўради. Ахир, шу юрт уни ўстиради, улғайтиради, баркамол инсон бўлиб етишишига замин яратди. Шу туйғайли Ватанини онага қиёслаб "Она Ватаним", деб атаимиз.

Юртга содиқ фарзанд бўлайлик

Эътибор қилганмисиз, бобо-бувиларимиз дуога қўл очиб, энг аввало, юрт тинчлигини, Ватан равнақини мустаҳкам қилишни Яратгандан сўрашади. Зеро, юрт тинч бўлса, бизнинг ишимиз унумли, халқимиз фаровон бўлади. Ҳар тун уйкуга кетганимизда юрагимизга хавотир тушунчаси бегона бўлади. Ҳар куни эрталаб эса хушқайфият билан умримизнинг яна бир кунини фаровонлик, яхши ният, ўй-режалар билан бошлаймиз.

Ойнан жаҳон орқали айрим чет мамлакатларда содир бўлаётган террорчиликлар, жаҳолатпараст инсонларнинг қилаётган ишларини кўрсам, том маънода жирканаман. Нега мен каби қора кўзлар бугун кенг синфхоналарда илм олиш, ўқиш ўрнига кўз ёш тўкиб, бугун омон қолармиканман, деб ҳадиксираб туриши керак, нега? Уларнинг айби нима, ахир улар беғуноҳ-ку?! Баъзан уларнинг айтадиган гапларини эшитиб раҳмингиз келади. Болаларни бундай ёвузликларга дучор қилган кимсалар инсоний қиёфасини буткул йўқотгани шубҳасиздир. Одамзодга шундай ёвузликлар қила туриб яна дину дённатдан лоф урадилар, ўзларига ниқоб қилмоқчи бўлади-лар.

Шукрлар бўлсинки, бизнинг юртимиз тинч ва осуда. Мен шундай бетакрор юртда яшаётганлигимдан фахрланаман. Бугунги кунда юртимизда ҳар бир соҳада ишлаётган инсонларга, ёшларга шарт-шароитлар яратиб берилган. Фақат бундан унумли ва оқилона фойдалансакгина юртимиз байроғи янада баланд кўтарилишига хизмат қилган бўлаемиз.

Мен бир нарсани орзу қиламан: келажақда шифокор бўлиб, юртдошларимизнинг соғлигини мустаҳкамлашда ёрдам берсам, халқимизни эъзозлашга, Ватаним равнақига ўз ҳиссамни қўшсам ва Ўзбекистон тиббиётини дунё халқлари орасида кўз-кўз қилсам.

Дарҳақиқат, айни кунларда юртимизни спорт, маданият йўналишлари орқали дунёга танитаётган ёшлар жуда ҳам кўп. Хуллас, ҳар бир ёш ўз ютуқлари орқали Ватанимиз ривож учун бор билим ва маҳоратини кўрсатиб, муваффақиятларини қўлга киритмоқда, юртимиздаги ютуқлар сонини кўпайтирмоқда. Ўйлайманки, ҳар бир инсон кун якунида: "Мен ҳаёт, нон-туз берган ВАТАН учун нима қилдим?" дея ўз-ўзинга савол берса, Ўзбекистонимиз келажаги учун меҳнат қилаётганлар сони янада кўпаяди.

Биз ёшлар билим ва иқтидоримиз, нималарга қодирлигимизни нафақат туман, вилоят, мамлакат миқёсида, балки жаҳон миқёсида эришилган ютуқларда кўрсатишга бурчимиз. Максасди сари қатъий интилган, ҳаракат қилган одам ўзи истаган ишни удалайди, ахир. Яратилган шароитлар ёшларга билдирилган ишонч ифодаси, юксак эътибор эканини ёддан чиқармаслигимиз керак.

Тарих зарварини тўлдирётган 2016 йил — "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилинган ҳам бежиз эмас. Чунки соғлом онадан соғлом бола дунёга келади. Ота-она боласига қандай тарбия берса, бола шу йўлдан юради. Шунинг учун биз она ва Ватан сўзларини бирга айтаемиз, уларни ҳеч қимга бермаймиз.

Биз яхши тарбия кўраймиз. Демак, яхши тарбия яхши натижа ҳам беради. Бунинг тенгдошларимиз, меҳр ва раҳматли кўриб вояга етаётган ҳар бир фарзанд ўз ютуқлари билан исботлайверади.

Гулмира МАЛИКОВА,
Зарафшон шаҳар тиббиёт коллежи 2-курс ўқувчиси

Конфуций ҳикматлари

Устоз айтади:
— Ҳақиқатни кўрмоқ ва унга интиломоқ — ёки жасорат, ёки тарбия маҳсули.
— Садоқат ва самимиятни сақлаб қолмоқ — чўққининг қорни ушлаб қолишидек қийиндир.
— Жароҳат учун адолатни, эзгулик учун фақатгина эзгуликни қалқон билинг.
— Ширин сўзлар ва таъма кўнглидан чиққан самимият белгиси эмас.
— Ҳақиқий инсон уч ҳолатда ўзини сақлай олади: ёшлиқда ҳирсан, кучга тўлганда жанжалдан, кексалиқда очкўзликдан.
— Келажақ учун курашмоқчи бўлсанг, ўтмишни ўрган.
— Олижаноб одамнинг излагани — ўзи, пастқашнинг қидиргани эса ўзгалар.